O‘zbekiston ovozi

№ 45
2020-yil, 16-dekabr
Chorshanba (32.640)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ҳар бир қонун лойиҳаси ёки бошқа масала қизғин муҳокама қилинмоқда. Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари муҳокамаларда фаол иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Нурдинжон ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

Жаҳон тажрибасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда омбудсманнинг роли ва ўрни аллақачон тан олинган. Бу институтнинг парламентлар ҳузурида ташкил этилиши эса қонун чиқарувчи ҳокимият органларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги вазифасини бажаришдаги масъулиятини оширади.

Бугунги кунда Омбудсман институти мамлакатимизда қонунийликни таъминлашнинг мустақил, ташкилий жиҳатдан ривожланган ва самарали фаолият кўрсатувчи механизми сифатида шаклланди. Барчамиз унинг фаолияти самарадорлигини янада оширишдан манфаатдормиз.

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси

Ўзбекистоннинг ЕОИИда кузатувчи давлат мақомини олиши иқтисодий тузилмаларга интеграциялашув борасида жиддий қадам бўлди, деб ўйлайман. Бу бизга ЕОИИ фаолиятини бевосита кузатиш ва таҳлил қилиш имкониятини беради. ЕОИИга аъзо давлатларнинг тажрибасини ўрганиш талаб этилади. Кузатувчилик мақоми меҳнат миграцияси борасида ҳам қатор қулайликлар яратади, деб ҳисоблайман. Яъни, ЕОИИга аъзо давлатларда юртдошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоялаш имкони ошади.

Муқаддас ЎРАЗАЛИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси

Қуйи палатанинг депутатлари шахснинг қадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга қаратилган ёлғон ахборотни телекоммуникация, интернет тармоқларига жойлаштирганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилашни таклиф этмоқда. Амалдаги қонунчиликда бу турдаги ҳаракатни содир этган шахс тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Таклиф этилаётган лойиҳада эса шахс шундай ҳаракатлари учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин бир йил давомида бундай ҳаракатни такроран содир этсагина, жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилмоқда.

Шахснинг қадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши қайд қилинмоқда.

Менимча, мамлакатимизда очиқликни таъминлаш, сўз ва фикр эркинлиги кафолатларини кучайтириш бўйича изчил ислоҳотлар кетаётган бир пайтда бундай қарор муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

ЖАРИМАЛАР МИҚДОРЛАРИ АҲОЛИ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИШИ ЗАРУР

Дунёда коронавирус пандемияси сабаб рўй берган мураккаб вазият, инқирозли ҳолат бутун жаҳонда молиявий вазиятни қийинлаштирди. Халқаро молия ташкилотлари жаҳондаги кўплаб давлатларга кўмак кўрсатишига тўғри келди.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга таклиф этилаётган ўзгартишга кўра, 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 5.5 млрд. АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 2.5 млрд. АҚШ долларигача миқдорида белгиланиши таклиф этилган.

Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари пандемия даврида ижтимоий соҳани молиялаштиришга, мамлакатдаги эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Бундай ёндашув партиянинг дастурий мақсадларига ҳар томонлама тўғри келади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, аниқлаштирувчи саволжавоблардан сўнг фракция аъзолари “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини маъқуллади.

Йиғилиш кун тартибидаги кейинги масала — «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Чунки бу қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган айрим меъёрлар зарурати юқори бўлса, бошқа айрим меъёрлар очиқлик, фикр билдириш ҳуқуқи нуқтаи назаридан демократик ёндашувни талаб этади.

Масалан, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи ахборотни оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ёки Интернет тармоқларига жойлаштирганлик учун ҳам жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда.

Кодекснинг амалдаги таҳририга кўра, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш ҳаракатлари учун эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Янги қонун лойиҳасига кўра, бундай ҳаракатлар учун жарима миқдорини ошириш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ҳақидаги меъёрни киритиш таклиф этилмоқда.

Депутатлар жамиятда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, интернет орқали кенг тарқалаётган, болалар, ёшлар онгига жуда салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатганлик, тарғиб қилганлик бўйича жавобгарлик кучайтирилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди.

Шу билан бирга, сўз ва фикр эркинлиги жиддий ҳамда эҳтиёткор ёндашувни талаб этиши, илғор давлатлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳисобга олиш зарурлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Баъзи маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдори амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдоридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда белгиланиши таклиф этилаётгани депутатлар эътирозига сабаб бўлди. Халқ демократик партияси депутатлари жарималар миқдори аҳолининг реал даромадларидан келиб чиқиб белгиланиши зарурлиги бўйича фикр билдиришди. Таклифлар асосида қонун лойиҳалари маъқулланди.

Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

2020 йилнинг 15 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишдан аввал депутатлар бир неча ойлардан бери олиб борган саъй-ҳаракатлари мантиқий ечим топганлигини ва шу йил 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Евроосиё иқтисодий иттифоқи таркибида кузатувчи мақомини олганлиги иштирокчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Сўзга чиққан барча фракцияларнинг вакиллари ЕОИИ билан иқтисодий ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ҳозирлик кўриш зарурлигини қайд этдилар.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЕОИИ саммитидаги нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги муҳим босқичида Ўзбекистон барча халқаро шериклар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни изчил кенгайтириб бориш, шу жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

Таъкидлаш жоизки, ЕОИИ билан интеграциялашув масаласини чуқур, атрофлича илмий асосланган ҳолда ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасида Ишчи гуруҳи тузилиб, мазкур масала бўйича барча таклиф ва мулоҳазалар ўрганилган эди. Депутатларнинг бир неча ой давомида олиб борган ўрганишлари, масалага ҳар томонлама чуқур ёндашувлари натижасида мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кузатувчи давлат мақомида ҳамкорлик қилиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Қолаверса, Ўзбекистон саноат кооперациясини кенгайтириш, транспорт ва транзит соҳасида ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни ишлаб чиқиш, меҳнат миграцияси тизимида яқиндан ҳамкорлик қилиш каби муҳим омиллар ҳам ўзаро ҳамкорлик қилиш учун асос бўлди.

Депутатларнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг кузатувчи давлат мақомида бўлиши интеграциялашув жараёнининг дастлабки босқичи бўлиб, ЕОИИга аъзоликнинг ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш, миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш, миллий қонунчиликни Иттифоқ қонунчилиги билан уйғунлаштиришда қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритишларни ўрганиш ва тайёргарлик кўриш учун зарур имконият ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу амалий ва кўп қиррали муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичига чиқиш, ЕОИИ доирасида рўй бераётган муҳим жараёнларни янада чуқур ва аниқ тушуниш имконини беради.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги ташқи савдо айланмасининг ортиши, иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигининг кучайиши ҳамда хорижий давлатларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳуқуқларининг ҳимояси мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида божхона тартибларини соддалаштириш ҳисобидан ЕОИИ давлатларига Ўзбекистондан кўплаб товар ва маҳсулотларни, шу жумладан минглаб тонна мева-савзавот маҳсулотларини етказиб бериш учун кенг имкониятлар очади. Шунингдек, халқаро ташишлар соҳасида рухсат бериш учун тартиблари соддалаштирилади, йўловчиларнинг, юклар ва транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиши таъминланади.

Кун тартибида ахборот тарқатиш ҳуқуқи ва жавобгарлиги

“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида депутатлар ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларига, шунингдек, ушбу ҳужжатни қабул қилиш заруратига алоҳида эътибор қаратишди.

Кодекснинг амалдаги таҳририга кўра, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш ҳаракатлари учун БҲМнинг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.

Янги қонун лойиҳасига кўра, бундай ҳаракатлар учун жарима миқдорини ошириш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ҳақидаги меъёрни киритиш таклиф этилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, амалдаги қонунчиликда бу турдаги ҳаракатни содир этган шахс тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Таклиф этилаётган лойиҳада эса шахс шундай ҳаракатлари учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин 1 йил давомида такроран содир этсагина, жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

Шахснинг қадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ёки Интернет тармоқларига жойлаштириш орқали тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши қайд қилинмоқда.

Ўз навбатида, депутатлар жамиятда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, интернет орқали кенг тарқалаётган, болалар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатганлик, тарғиб қилганлик бўйича жавобгарлик кучайтирилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Шунингдек, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

(Ахборот бироз қисқартирилган ҳолда эълон қилинмоқда)

Ўтган йилги сайлов натижаларига кўра, 48 нафар аёл қуйи палатага депутат этиб сайланди. Депутатлар умумий сонининг 32 фоизи, Сентада эса 25 фозини хотин-қизлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар натижасида Ўзбекистон дунёдаги 190 мамлакат орасида парламентдаги аёллар ўрни бўйича 37-ўринга кўтарилди.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИНИ ТАШЛАБ ҚЎЙМАЙДИ

Кечиримлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан. Ҳар бир кунимизнинг, турмушимизнинг олий қадриятига айланган бу тамойил бугун ҳам эзгулик, яхшиликка йўғрилган ишлар билан минглаб одамларнинг кўнглига малҳам бўлмоқда.

Бевосита давлатимиз раҳбари назорати остида ўтказилаётган “Меҳр” операциялари орқали ҳаётда адашган, билиб-билмай хато қилиб, хорижий мамлакатларда қолиб кетган, хўрланиб, хор-зор бўлиб, қилмишидан қаттиқ пушаймон қилган одамлар, бегуноҳ болалар Ватанга қайтарилмоқда.

Яқинда «Меҳр-3» деб номланган операцияда Сурия-нинг жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларидан 98 нафар, 25 нафар аёллар ва 73 нафар болалар Ўзбекистонга қайтарилди. Бегуноҳ болаларнинг 14 нафари чин етимлар экан. Булар оддий рақамлар эмас, бу рақамлар ортида қанча алам, яна қанча изтироб бор.

Ҳамюртларимиз соғломлаштириш муассасаларига жойлаштирилиб, уларга тиббий ва психологик ёрдамлар кўрсатилади. Шунингдек, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича ҳам тегишли ишлар амалга оширилади. Келгусида эса уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга тўлақонли ижтимоий мослашуви учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Буларнинг барчаси юртимизда инсон, унинг манфаати ҳамма нарсадан устунлиги, ҳар бир инсон эътибор ва эҳтиромда эканининг тасдиғидир.

Ушбу операция Конституция байрами кунига тўғри келганлигида ҳам рамзий маъно бор. Халқаро эксперт-лар, олимлар Бош қомусимизга инсонпарвар, халқчил Конституция, деб таъриф беришади. Конституциямизнинг 22-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди”, деб белгилаб қўйилган. “Меҳр” операцияси бунинг исботи бўлмоқда. Ушбу операция орқали Ўзбекистон ҳеч қачон ўз фуқароларини ташлаб қўймаслигини, инсонпарвар мамлакат эканлигини яна бир бор намоён этди.

Бу инсонпарварлик операцияси ҳақида ўйларканман, айниқса, болаларга қараб, меҳр ҳамма нарсадан устун қўйиладиган юрт фарзанди эканимдан ич-ичимдан қувондим. Эзгу тадбир орқали бу болаларнинг тақдири ўзгараётганидан, уларнинг нигоҳларига чўкиб кетган қайғу тумани тарқаётганидан мамнун бўлдим. Бу операция бутун Ўзбекистон бўйлаб яна бир бор меҳр зиёсини ҳам таратди, деб ўйлайман.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ўзбекистон ЕОИИда

кузатувчи мақомида унинг паст-баландини билиш имконига эга бўлади

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш масаласи халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг манфаатларига бевосита таъсир қилувчи жуда жиддий масаладир. Бу ҳамкорлик натижаларини олдиндан баҳолаш, прогноз қилиш мураккаб жараён.

Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ушбу масаладаги парламентдаги муҳокамаларда биринчи навбатда давлатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиш ҳамда барча фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таяниш лозим, деган хулосани берган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомига эга бўлиши мамлакатимизга бу тузилмани яқиндан ўрганиш, амалий хулосалар қилиш, паст-баландини таҳлил этиш имкониятини беради.

Мураккаб ва таҳликали замонда қийинчиликларни якка ҳолда енгиб чиқиш мумкин эмас, шу билан бирга, ҳамкорлик мақсади ва йўналишини халқ манфаатлари нуқтаи назаридан тўғри белгилаш зарур.

Дунёни ларзага солган, катта қудратга эга давлатларнинг ҳам иқтисодиётини издан чиқариб юбораётган коронавирус пандемияси даврида ҳар қандай давлат учун иқтисодий интеграцияни кенгайтириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётимизга инвестициялар киритиш ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга интилувчи халқаро ташкилот ва давлатлар сони ошаётганини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Халқ демократик партияси фракцияси Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш юзасидан қуйидагиларни таъкидлаган эди.

Биринчидан, бундай ҳамкорлик Ўзбекистон учун меҳнат миграциясидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда яхши имкониятлар яратиши, хусусан, ушбу ташкилотга кирувчи мамлакатларда ишлаб юрган Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ҳимоясига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш стратегик вазифа даражасига кўтарилган. Бунинг учун салоҳиятли ва барқарор истеъмол бозори зарур бўлади. Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш транспорт харажатларини камайтириш, тарифсиз тўсиқларни оптималлаштириш, тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларимиз экспортини амалга оширишда иттифоққа аъзо мамлакатлар салоҳиятли истеъмол бозори бўла олади.

Ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомида ҳамкорлик қилиш давлатимизга халқимизнинг устувор манфаатларидан келиб чиқиб, якунда энг тўғри қарорга келиш имкониятини беради, деб ҳисоблаймиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

АДОЛАТ ВА ҲУҚУҚЛАР ҲИМОЯСИ

гендер тенгликнинг асосини ташкил қилади

Аёллар ҳеч қачон эркаклардан устунликка даъво қилмайди. Гендер тенглиги ҳақида гап кетганда адолат, опа-сингилларимизнинг ҳуқуқлари ҳимояси масаласи устуворлик қилади. Зеро, жамият ривожида уларнинг ҳам алоқадор бўлиши, атрофдагиларга керакли инсон эканини ҳис этиши, асосийси, оилада ўз ўрнини топа олиши нозик қалб эгаларини бахтли қилади. “Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли” мавзусида ўтказилаган форумда ушбу фикрларга алоҳида урғу берилди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева олиб борди. У жамиятда эркак ва аёл тенглигини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталиб ўтди. Ўтган йилги сайлов натижаларига кўра, 48 нафар аёл қуйи палатага депутат этиб сайланди. Депутатлар умумий сонининг 32 фоизи, Сентада эса 25 фозини хотин-қизлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар натижасида Ўзбекистон дунёдаги 190 мамлакат орасида парламентдаги аёллар ўрни бўйича 37-ўринга кўтарилди.

Шунингдек, таъкидландики, муаммони кўтариб келган аёл билан ишлаб, андиша қилиб уйда ўтирган, илм билан шуғулланишни хоҳловчи хотин-қизлар эътибордан четда қолади. Аслида ғамхўрлик ҳаммага бир хил бўлиши зарур. Нафақат раҳбар ёки депутат аёлларни, олималарни ҳам кўпайтириш, оилавий ташвишлар сабабли ўқишга қатнай олмайдиган ёш келинларга онлайн дарслар ташкил этиш керак. Энг оғриқли масала, яъни зўравонликка қарши курашишда барча бир ёқадан бош чиқариши лозимлиги айтилди. Икки-уч нафар боласи билан турмушидан ажраган аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунинг учун никоҳ шартномаси тузиш борасида намуна кўрсатиш таклиф этилди. Бу амалиёт эр ва хотин ўртасида адолатни, тенгликни таъминлаб, болаларнинг тўлиқ оилада камол топишига хизмат қилади.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, фалсафа фанлари доктори:

— Дунёда пандемия пайтида аёлларга зўравонлик қилиш ҳолатлари кўпайиб кетгани айтилди. Афсуски, бундан юртимиз ҳам истисно эмас. Натижада жорий йилнинг шу кунига қадар аёлларга саккиз мингдан ортиқ ҳимоя ордерлари берилди. Бу ишларни янада такомиллаштириш, никоҳ шартномаларини тарғиб қилиш, оилада маънавий муҳитни яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш масаланинг бир томони. Аёллар орасида юзага келаётган салбий иллатларнинг олдини олиш ва бу борада парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим.

Демак, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада такомиллаштириш зарур. Умуман ҳар бир йўналишда янги фикр ва ғояларни қўллаб-қувватлаш, вакиллик органларидаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини янада ошириш талаб этилади.

Нодира ШОТУРСУНОВА,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг бош маслаҳатчиси:

— Шу кунга қадар 6 мингдан ортиқ фаол хотин-қизни саралаб, уларнинг рўйхатини шакллантирдик. Заҳира кадрлар тайёрлаш борасида улар билан биргаликда иш олиб боряпмиз. Қатор таклифлар ишлаб чиқмоқдамиз. Умуман, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ортиб бормоқда.

Хусусан, гендер тенглиги масаласи ҳақида сўз борганда, дастлаб кўпчилик эркакларда салбий фикрлар юзага келди. Ваҳоланки, эркак ва аёл тенглиги ҳақидаги модда конституциямизда белгилаб қўйилган. Лекин ушбу масалага етарли эътибор қаратилмас эди. Ҳозирда хотин-қизларнинг жамиятги нуфузи ортиб бораётгани, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қўшаётган ҳиссаси тенглик борасидаги тушунчаларни ўзгартирди. Яъни аёллар оилада тенглик ёки устунлик эмас, ўз ўрнига эга бўлиш истагида экани, иқтидорларини рўёбга чиқаришга интилишларга боғлиқлигини кўпчилик тушуниб етди. Раҳбар аёл фаолият юритаётган жамоада ўзгача тартиб, саранжомлик, ўзаро ҳурмат, илиқ атмосфера юзага келаётгани қарашларни яна бир бор мустаҳкамлади.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:

— Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдаги тўлақонли иштироки иқтисодий тараққиёт, демократик ривожланиш ва жамиятдаги барқарорликнинг зарур шарти ҳисобланади. Улар иштирокида қабул қилинган муҳим қарорлар жамиятни демократлаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайди. Шу жиҳатдан мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Вакиллик органларига сайланган депутат аёлларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўзларига берилган ваколатлардан кенгроқ фойдаланишига оид бир қатор масалалар мавжуд. Уларни ҳал қилиш нуқтаи назардан парламентнинг аёл аъзолари платформасини яратиш зарур. Қолаверса, ушбу Форум хотин-қизларнинг сиёсий майдондаги ўринларини мустаҳкамлаш ҳамда вакиллик ҳокимияти органларининг парламент билан конструктив алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кунда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга аёллар 25 фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга аёллар эса 20 фоизни ташкил этаётгани соҳада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Айтиш керакки, мазкур форум Олий Мажлис Сенати ва Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда ЕХҲТ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи марта ташкил этилди. Форумда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” газетаси мухбири.

МЕҲР ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ

Конституциямиз қабул қилинган байрам кунларида матбуот ва телевидение орқали тарқалган хабар халқимизни беҳад қувонтирди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Меҳр-3” операциясининг навбатдаги босқичи шу қувончнинг асосий сабаби бўлди.

Сурия мамлакатида жангавор ҳаракатлар давом этаётган бир пайтда, 98 нафар ҳамюртимизнинг ота маконига қайтарилиши халқимизга хос меҳр-оқибат ва инсоний фазилатларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Қарангки, бу ҳаётнинг нотекис йўлларида ўйланмай босилган қадам уларни адаштириб, ўзга элларда азобу уқубатларга дучор қилган. Улар бегона юртларда инсон ҳуқуқлари муҳофазасидан, ҳатто энг оддий яшаш шароитларидан маҳрум бўлганлар. Уларнинг сарсон-саргардонлиги онани боладан, болани отадан айириб, энг оғир қийинчиликларни бошидан кечиришга мажбур қилган.

Уларнинг она тупроғимизга қўнган самолётдан тушаётган пайтларидаги қувонч кўзёшлари, юзларидаги ҳаяжон ифодаларини кўриб, яна бир бор шуни англадикки, ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзга диёрда эркин нафас олиб, орзу-мақсадларига эриша олмайди.

Суриядан қайтиб келган инсонлар юрагида эртанги кунига умид ўйғонганига, Янгиланган Ўзбекистонда, албатта, янги ҳаёт билан яшашларига ишончимиз комил.

Қисматнинг аччиқ зарбаларига дучор бўлган Меҳрибон исмли юртдошимиз айтиб берган қуйидаги воқеани эшитиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Ташқаридаги эшик очилиб, ҳовлига кимдир кириб келди, — ҳикоя қилади Меҳрибон. — Тоҳир акамнинг ҳамкасби Муҳаммад экан.

Салом-аликдан сўнг “Янга, мени Тоҳир акам юборди. Ўзи келолмайди. Эрталаб тонгда йўлга чиқар экансизлар. Тайёрланиб, Оғабекни ҳам олиб, ёнимга келсинлар, деб юборди”, деди у.

– Ўзи нега келмади? Шу сўзни айтдим-у, бутун вужудим бўшашди. Неча ойдан бери оилада бўлаётган ғавғо ва тушунмовчиликлар, кўз ёши-ю уриш-сўкишлар, ялинишу тушунтиришларнинг интиҳоси эди бу.

Қўлимдаги сут тўла челак тарқ этиб пастга тушди. Сут чайқалди, сачради, лекин тўкилмади. Ён томондаги курсига ўзимни ташладим. Ер худди қимирлагандек чайқала бошлади.

– Сизга нима бўлди, янга? Ҳайрон бўлиб сўради Муҳаммад.

– Сиз кетаверинг, мен эрталабга тайёр бўлиб тураман, дедим.

Муҳаммад қандай тез кирган бўлса, шундай тез чиқиб кетди.

Хорижда икки йил ишлаб келиб, мутлақо бошқа бир одамга айланган эримни тўғри йўлга сололмадим. Фикрлари бошқача, сал гапга тортса, “Кетамиз, бу ердаги ҳаёт биз мусулмонларга тўғри келмайди”, дейди.

Ўйга толардим: эрим айтган юртларга кетсак, аҳволимиз нима кечади? Шу ерда ҳам бежанжал, мусулмонликнинг барча қоидалари билан яшаш мумкин-ку!

Ота-онам ҳам “Эринг тўғри айтаяпти, ҳаётингни бузма. Эрингнинг ёнида бўл, болам, у ерда куёвнинг топиб қўйган иши бордир”, деб қулоғимга қуйгани қуйган...

Мен учун тақдирнинг бу йўлидан, эрим билан кетишдан бошқа чора қолмаган эди. Эрталабки рейсда Тошкентга, кейин Истанбулга учдик. Аэропортда бизни бир йигит ва аёл кутиб олди. Аёлнинг исми Зайнаб экан. Мени озроқ дам олиб, чой ичиб ўтиришни, ўғлим Оғабекни эса дадасининг ёнида қолдириш кераклигини айтди. “Йўқ, бўлмайди”, дейишимга қарамай, мени шунга кўнишга мажбур қилди. Юрак бағрим эзилиб кетди. Бутун вужудим ва муштдеккина юрагим келгусида туяжак озорларини сезаётгандай эди...

Ўғлимни олиб кетган Зайнаб тез қайтиб келди. Ақли лол, кўзи кўр, оёғи ланг одамдек гарангсиб қолган эдим.

— Қўрқманг, ўғлингиз дадаси билан. Ҳозир рейсни эълон қиладилар. Биз ҳаммамиз Сурияга учамиз. Кейин Амипога жойлашасизлар, — деди Зайнаб.

Унинг Сурия деган сўзидан бошқа ҳеч нарсага тушунмадим. Энди қўрқувларим ваҳимага айланди.

— Нега бунча ўйга толяпсиз? У ерда эрингиз, ўғлингиз ёнингизда бўлади, — деди у.

Сал ўзимга келдим. Лекин самолётда уларни кўрмадим. “Улар орқада ўтирибди, манзилга етгач, учрашасизлар”, деб юпатди Зайнаб.

Орадан бир ҳафта ўтди. Ҳеч нарса Зайнаб айтгандай бўлмади...

Амипо деган катта қадимий шаҳарнинг чека қишлоғи — тоғлар орасига жойлашган макондаги уйнинг бир бурчагига тиқилиб олиб, бу ерлар террорчилар уяси эканлигини англаганим сари ҳаёт билан хайрлашардим.

Икки кунгача ёлғиз қолдим. Хонага олиб кириладиган овқатларнинг тузини ҳам тотмадим. Фикри-зикрим, ақли-ўйим ўғлимда эди.

Учинчи куни биз жойлашган иморат ҳовлисига қуролланган жангарилар кириб келди. Ҳаммани ҳовлига олиб чиқдилар. Оппоқ кийимдаги бир одам узоқ маъруза ўқиди. Унинг айтганларини эслаб қололмадим.

Бирдек майдонда белига портловчи мослама бойлаб олган жангарилар пайдо бўлди. Уларнинг орасида ўспиринлар, 3-5 ёш оралиғидаги гўдаклар ҳам бор эди. Бутун вужудим кўзга айланиб ўғлим Оғабекни излай бошладим. Эримга кўзим тушди, унинг ҳам белида портловчи мослама бор эди.

Аёлларга ҳам бирин-кетин шу мосламаларни кийдира бошладилар. Атрофдан “Бу тўғри жаннатга борадиган йўлни очиб беради. У ерда энг гўзал ва жозибали ҳаёт кутмоқда бизни”, деган чақириқлар жаранглар эди...

...Бирдан отишма бошланди. Бостириб келаётган бир тўда “душманлар” томонга ёш болаларни югуртирдилар. Улар тўда орасига киргач, бирин-кетин портлашлар юз берди.

Ҳушимдан кетдим. Юзимга сув сепаётган аёлнинг қўлини итариб, ҳозиргина портлаш содир бўлган майдонга ўзимни урдим. Не кўз билан кўрайки, ўғлим Оғабек қўл-оёғи бўлак-бўлак сочилиб, тупроқ билан тенг бўлиб ётарди. “Болажоним, болам, ўрнингга мен бўлак-бўлак бўлсам бўлмасмиди?!” деб нола қилдим. Ноламдан осмон титраб кетгандай, тоғлар ларзага келгандай бўлди...

Ўзбекистон Республикаси ўзга юртларда билиб-билмай адашиб, нотўғри йўлга кирган, сарсон-саргардон юрган фуқароларини она Ватанга қайтариш бўйича кенг кўламли операция бошлаганини эшитиб, қаттиқ ҳаяжонга тушдик. “Бу жаҳаннамдан бизни қутқар!” дея Аллоҳга туну кун қилган илтижоларимиз наҳот рўёга чиқса?!

Шукроналик чулғаган қалбим бир зум оппоқ орзуларга берилди. Она юртим, яқинларим, болалигим ўтган кўчалар кўзим олдида жонланиб, ширин бир орзиқиш туйдим, қароғларим ёшланди. Наҳот яна она тупроққа қадам боссак, ғамгусор кўзларимиз наҳот яна мусаффо осмонга тикилиб, яйраса?! Наҳот яна тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олсак?!

…Давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган операция қанчалик мураккаб ва машаққатли бўлмасин, мен сингари ҳаётнинг аччиқ синовларига дуч келган кўплаб ўзбекистонликларни она Ватанга қайтарди. Жабрдийдаларга хатоларидан хулоса чиқариб, яна янгидан ҳаёт бошлаш имкониятини туҳфа этди.

Гўё қайта туғилгандек бўлдим. Юртбошимизнинг қатъий иродаси, юксак жасорати, бағрикенглиги, инсонпарварлиги, ўз халқига чексиз меҳри сабаб ҳаётимизни янгидан бошлаш имконияти яратилди. Меҳр дунёни қутқаради, дейди донишмандлар. Нақадар ҳақ гап! “Меҳр” операцияси бизнинг дунёмизни ҳам жаҳолат ботқоғидан қутқарди.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Қорақалпоғистон халқ шоираси, Сенат аъзоси.

2021 йилдан бошлаб халқ таълими тизимида ўрнак кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг 50 фоизига 40 фоизгача ҳар ойлик устама белгилаш имконияти қайтади.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Сиртқи қабул соатлари» деб номланган янги рукн эълон қилган эдик. Бу билан юртдошларимиз ўзларини қизиқтирган ва ўйлантираётган савол ва муаммолар билан раҳбар қабулига вақт, маблағ сарфлаб, овора бўлишининг олдини олишни мақсад қилгандик.

Шунингдек, ариза ва саволлар асослантирилган ҳолда таҳририятимизга ёзиб юборилса, мурожаатларни тегишли ташкилот раҳбарига етказиб, жавобларини газетамизда чоп этишимизни билдиргандик.

Дастлаб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов билан «Сиртқи қабул соатлари»ни ўтказишни эълон қилган эдик. Бугун эса таҳририятга келиб тушган саволларга Улуғбек Иноятовнинг жавобларини ҳавола қиламиз.

Бекзод САЙФУЛЛАЕВ,
хусусий тадбиркор:

— Биринчи марта Меҳрибонлик уйи битирувчиларини уй-жой билан таъминлаш учун давлат бюджетидан 30 миллиард ажратилиши кўзда тутилгани, тўғриси, қанчадан-қанча кўнгли кемтик, Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларни беҳад қувонтирди. Очиғини айтиш керак, Меҳрибонлик уйидан чиққан болаларнинг кўпчилиги уй-жойсиз, таниш-билишиникида, ишлайдиган жойида тунаб юрибди. Бунга ўзим ҳам кўп гувоҳ бўлганман. Наҳотки, шундай болаларни ижтимоий ҳимояга олишнинг имкони йўқ?

— Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини уй-жой билан таъминлаш масаласи — ниҳоятда долзарб вазифа. Халқ демократик партияси фракцияси депутатлари ва фаоллари бу масалани республика миқёсида чуқур ўрганиб, бир неча марта кўтариб чиққан эди. Муаммонинг асосий сабаби молиявий жиҳатга боғлиқ экани таъкидланганди.

2021 йилда Давлат бюджетидан Меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож битирувчилари учун 30 миллиард сўм ажратилиши белгиланаётгани ҳар томонлама тўғри иш бўлди. Чунки жойларда бу борадаги ҳолат яхши эмас. 2011-2019 йилларда Меҳрибонлик уйларининг жами 2300 нафардан кўпроқ битирувчисидан 1000 нафардан кўпроғи турар жойга муҳтож деб топилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи ҳалигача уй берилишини интизорлик билан кутаётган эди. Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши режалаштирилганини эшитиб, улар ҳаммамиздан кўпроқ қувониши аниқ.

Халқ демократик партияси ҳукуматнинг бу қарорини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Келгуси йилларда бундай маблағлар миқдорини ошириш чораларини кўриш керак, деб ҳисоблайди. Маблағ ажратилади, бу қувонарли, лекин унинг сарфланиш механизми қандай бўлади? Адолат ва шаффофлик таъминланадими? Бу саволларга жавоб топишимиз зарур. Фракциямиз аъзолари мазкур йўналишдаги ишлар қандай ташкил этилишини назорат қилишга келишиб олдик.

Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,
журналист:

— «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси парламентда қизғин муҳокама этилди. Қонун лойиҳаси электорат манфаатлари нуқтаи назаридан фракция томонидан қандай таҳлил қилинди? Келгуси йил учун давлат бюджети лойиҳасини муҳокама этиш жараёнида фракция қандай натижаларга эришди?

– Халқ демократик партияси фракцияси «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳасини электорат манфаатларидан келиб чиқиб, пандемия ва инқироз билан боғлиқ дунёдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама муҳокамадан ўтказди.

Бу йил Бюджет муҳокамаларида парламент, хусусан, партиямиз фракцияси ҳукумат, вазирлик-идоралар билан самарали ишлади, бир-бирини тушуниш бўйича янгича мулоқот муҳити юзага келди, дейиш мумкин. Қонун лойиҳаси электорат манфаатлари нуқтаи назаридан фракциямиз томонидан чуқур таҳлил қилинди. Бюджетни режалаштиришда ижтимоий йўналтирилганлик тамойилига алоҳида эътибор қаратдик. Албатта, бу борада аниқ, партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган асослар, рақамлар бор. Хусусан, 2021 йилда Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига жами 86 трлн. 379 млрд. сўм, 2020 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 15 фоиз кўп режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим масала. Фракциямиз таклифи асосида халқ таълими тизимидаги муассасаларни жиҳозлаш учун бюджет лойиҳасида кўзда тутилган маблағ оширилди. Бюджетда дори-дармон харажатларини аниқ кўрсатиш, бюджет ижроси шаффофлигини таъминлаш бўйича берилган концептуал таклифлар ҳам ҳисобга олинди.

Шунингдек, фракциямиз бюджет муҳокамаларида мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун катта маблағлар йўналтирилаётган пайтда бюджет интизомини қатъийлаштириш, очиқликни таъминлаш тартибига амал қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилда 58 вазирлик ва идоралардан 33 таси бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни ўз сайтларига умуман жойлаштирмай, 2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан белгиланган талабни бажармаган. 200 га яқин туман, шаҳар ҳокимият органларидан эса ҳеч бири 2020 йил бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни веб-сайтларига жойлаштирмаган. Биз бундай ҳолат билан умуман муроса қилиб бўлмайди, бюджет шаффофлиги бўйича мансабдорларга жазо чораларини кучайтириш шарт, деган позицияда турдик.

Шу асосда "Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳасига таклифлар тайёрладик.

Аъзам ТЎХТАМУРОДОВ,
талаба:

— "Ўзбекистон овози"ни бир неча йилдан бери ўқиб бораман. Бир нарсага ҳамият бердим, парламент Давлат бюджети ижросини муҳокама қилган кунларда газетада доим катта маблағлар ўзлаштириб юборилгани ёки ишлатилмай қолиб кетгани ҳақида маълумотлар берилади. Яқинда ҳам шундай маълумот чиқди. Парламент давлат бюджети ижроси ҳақида ҳукуматдан ҳисоб сўрайди, лекин ҳар йили бир-бирига ўхшаш камчиликлар бўлади. Буларни тузатишнинг ҳеч иложи йўқми?

– Фракциямиз аъзолари муҳокамалар жараёнида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг қанчалик самарали сарфлангани масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳисобот даврида ўтказилган назорат тадбирлари давомида 129,1 млрд. сўм бюджет ижросида камомад ва асоссиз харажатлар аниқлангани депутатлар томонидан танқид қилинди.

Ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган коронавирусга қарши курашиш учун жалб этилган тиббиёт муассасаларида Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган маблағларнинг 70,7 млрд. сўми қоидаларга амал қилмаган ҳолда сарфлаб юборилган.

Бюджет ижросидаги сусткашлик ва масъулиятсизликлардан асосан Халқ демократик партияси электорати бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли азият чекади. Фракциямиз юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор йўналишларда бюджет ижросига нисбатан танқидий ёндашувни кучайтириш, масъул вазирлик-идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарликни юклаш, ҳукумат эса юзага келган салбий ҳолатларни чуқур таҳлилдан ўтказиши, очиқ ва таъсирчан чоралар кўриши зарур, деб ҳисоблайди.

Тўғри айтасиз, вазирлик-идоралар, ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатиш масалаларида камчиликлар кўзга ташланяпти. Бу борада таъсирчанлик кутилган даражада сезилмаяпти. Парламент қуйи палатасининг ўзида ҳам ҳукумат, вазирликлар фаолиятига демократик нуқтаи назардан таъсирни ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Масалан, "Ҳукумат соати" институтини такомиллаштириш бўйича таклифлар депутатлардан, мутахассислардан таклифлар олиняпти. Парламент вазирларни чақириб, 2-3 марта савол-жавоб қилгани билан ёмон вазият яхши томонга ўзгаряптими ёки ўз ҳолича қоляптими, деган саволларга жавоб аниқ бўладиган тизим яратилиши зарур. Шу бўйича ишланяпти.

Озода РЎЗИЕВА,
1-гуруҳ ногирони (Навоий шаҳри):

— Маълумки, яқинда мамлакатимизда "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Кўпчилик буни ҳақли равишда миллий қонунчиликнинг ютуғи, деб эътироф этди. Янги йилдан кучга кирадиган ушбу қонун билан нималар ўзгармоқда? Тизимда қандай янгиликлар бўлади?

– Албатта, ҳар бир соҳанинг ривожланиши, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, аввало, қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда қонунчиликка муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу масала ҳуқуқий томондан тўлиқ қамраб олинди.

Шу йилнинг 15 октябрь куни Давлатимиз раҳбари "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунни имзолади. 2021 йилдан эътиборан кучга кирадиган мазкур Қонун орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим яратиладиган бўлди.

Қонун асосида ногиронлиги бўлган шахсларни энг кўп қийнаб келаётган масала – тиббий текширув комиссиялари фаолияти такомиллашади, мурожаат қилувчи 10 календарь кунида хулосани олади. Тиббий текширувлар бепул амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган шахслар амбулатор ва стационар тартибида имтиёзли даволанади, протез-ортопедия анжомлари билан таъминланади.

Биноларга кириб-чиқиш учун махсус йўлакчалар, пандуслар, жамоат транспортида махсус ўриндиқлар жойлаштирилади. Таълим олишнинг барча босқичларида шароит яратилиб, касб-ҳунарга ўргатиш, коллеж ва техникумларда таълим олишлари давлат ҳисобидан таъминланади.

Маҳаллий ҳокимликлар ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой шароитини яхшилашга масъул бўлади. Никоҳ тузиш ва оила қуриш, болаларни фарзандликка олиш, болаларни тарбиялашга доир мажбуриятларни бажариши чоғида ёрдам олиш, шу жумладан, уйида ва яшаш жойида хизматлар кўрсатилиши ҳуқуқи таъминланади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларга моддий, маслаҳатга оид ва бошқача тарзда ёрдам беради ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Бир неча йиллар давомида ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоат ташкилотларини давлат томонидан моддий қўллаб-қувватлаш масаласи кўтариб келинарди. Бундай ташкилотлар фаолияти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Лекин уларнинг моддий-техника базаси, ваколатлари, имкониятлари чекланиб қолган эди. Шунинг учун биринчи марта мана шу ташкилотларга давлат томонидан 1 миллиард сўм субсидия ажратилди. Бу ёрдам орқали Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ва Ногиронлар ассоциацияси ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини, манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Саодат ОДИЛОВА,
ўқитувчи:

— Пандемия бошланганидан кейин ўқитувчиларнинг ойлигига устамалар тўланиши тўхтаб қолди. Мана энди аста-секин мактабларда ўқув жараёнлари анъанавий ҳолатга қайтяпти. Янги йилдан устамалар ҳам қайтса керак? Жонкуяр ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш масаласи нима бўлади буёғига?

– Жуда тўғри масалани кўтардингиз. Биламизки, умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш мақсадида директор жамғармаси ташкил этилган эди. Унга кўра, умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларининг базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш йўли билан уларни моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

Лекин пандемия даврида педагог ва ўқитувчиларга ҳар ойлик устама тўлаш, уларни қўшимча рағбатлантириш масаласи тўхтаб қолди.

2021 йил учун мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида ЎзХДП фракцияси аъзолари бунга қатъий эътироз билдирди. Парламент қуйи палатаси ялпи мажлисида Ҳукумат олдига шу масалани қўйди. Ҳукумат расмийлари келгуси йилдан директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тикланишини маълум қилди.

Бу 2021 йилдан бошлаб халқ таълими тизимида ўрнак кўрсатган педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг 50 фоизига 40 фоизгача ҳар ойлик устама белгилаш имконияти қайтади деганидир.

ТАҲРИРИЯТДАН:

ЎзХДП Марказий Кенгаш раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси раиси Улуғбек Иноятовга келган саволлар орасида ХДП аъзоларининг шахсий саволлари ва айрим партия ташкилотларидаги кадрлар масаласига оид саволлар ҳам бор эди. Бу каби саволлар эгаларига ёзма равишда жавоблар юборилади.

Навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари» қайси раҳбар билан бўлиши газетамизнинг кейинги сонида эълон қилинади.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

АДОЛАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 7 декабрда қабул қилинган "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров, Судьялар ассоциацияси раиси ўринбосари Парагат Айтниязов, Олий суд аъзоси Учқун Рўзиев, Судьялар Олий Кенгаши судьяси Баҳодир Полвоновлар иштирок этиб, мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти, суд-ҳуқуқ тизимига киритилаётган ўзгариш ва янгиликлар, судьяларнинг дахлсизлиги бобида унинг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтардилар.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг маъруза ва чиқишларида судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида улар бирон-бир мансабдор шахс босим ўтказадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик кераклигини бот-бот такрорлаб келади, – деди **Судьялар Олий Кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров.** – Кейинги тўрт йил ичида мамлакатимизда рўй бераётган сезиларли ўзгаришлар, ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимида ҳам адолат устуворлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилганида намоён бўлмоқда. Ўтмишда судлар томонидан йўл қўйилган хатолар, ноҳақ чиқарилган ҳукм ва ажримлар ҳозир судлар томонидан қайта кўриб чиқилиб, бундай ҳолатларга холис ҳуқуқий баҳо берилмоқда, ноҳақ айбланганлар оқланмоқда.

Бош қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон шаъни, қадр-қиммати дахлсизлиги олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган. Ҳар қандай шахс ўз ҳуқуқлари билан боғлиқ масалада адолатли судловни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 7 декабрда қабул қилинган "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимида шаффофлик ва очиқликни яратиш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Фармонга кўра, суд тизимига етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлашда очиқлик ва шаффофликни янада кенгайтириш, судьялар фаолиятини холис баҳолаш, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бунда илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини интернет тармоғи орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйилади. Судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ишга туширилади. Бундай дастур ҳозирги пайтда Швеция, Франция, Словения, Чехия сингари бир қатор ривожланган давлатларда қўлланилмоқда. Ўзбекистонда эса ИИВ ва ДХХ тизимида ходимларни танлашда қўлланилмоқда. Фармонда судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ҳам эътиборга олинган. БМТ махсус маърузачиси Д.Гарсиа томонидан ҳам судьяларнинг фаолиятини баҳолаш учун ягона электрон рейтинг дастури жорий этиш тавсия қилинган. Шу орқали судьяларни юқори ва раҳбарлик лавозимларига тавсия қилиш ёки қуйироқ судьялик лавозимларига тайинлаш учун улар фаолиятини баҳолашнинг инсон аралашувисиз шаффоф механизми яратилади. Ушбу тизим ўз навбатида одил судлов самарадорлигининг ошишига ҳам замин яратади.

Судьяларнинг дахлсизлигини таъминламай туриб, адолатни ўрнатиб бўлмайди. Шунга кўра, Фармон билан уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига бўладиган аралашувларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилгани;

судья дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, хабар бериш тартиби ўрнатилиши;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун ҳар қандай шаклда чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан рухсат берилиши тартиби ўрнатилиши айни муддао бўлди.

Фармонга асосан суд ҳокимияти тизимида судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Кенгаш раисининг ўринбосари лавозими жорий этилади.

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилади. Бу тузилмага Кенгашга келиб тушаётган шикоятларни таҳлил қилиш, содир этилган қонунга зид ҳаракатларни тезкор ўрганиш борасида судьялар малака ҳайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар кўриш вазифаси юклатилади.

Шунингдек, Фармон асосида Кенгаш тузилмасида ҳам ўзгариш амалга оширилиб, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси негизида матбуот хизмати ва биринчи бўлим, шунингдек, ижро аппарати негизида ахборот-таҳлил, мурожаатлар билан ишлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тузилмалари ҳамда архив ва девонхона ташкил этилади.

Поклик ва одил судловга сидқидилдан хизмат қилиш судьянинг энг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланади. Шу боис, бенуқсон ва ҳалол судьяларни рағбатлантириш мақсадида "Ибратли судья" мукофоти, одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб пенсияга чиққан судьялар учун "Суд фахрийси" кўкрак нишони жорий этилади ва бу ҳам судьяларнинг қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилишга ундовчи муҳим омил бўлиши табиий.

Фаолиятини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширадиган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Судьялар клуби ташкил этилади. Жанубий Корея, Австрия ва Миср давлатларида ана шундай клублар фаолият юритади. Ушбу клуб судьялар учун муайян вазиятларда Судьялар одоб-ахлоқ кодексига қандай амал қилиш лозимлиги хусусида, шунингдек, мураккаб низоларнинг тўғри ҳуқуқий ечимини топиш юзасидан маслаҳат тусидаги тавсиялар беришни амалга оширади. Шу билан бирга, клуб янги судьялар ва кўп йиллик тажрибага эга судьялар ўртасида "кўприк" вазифасини ўтайди. Жумладан, аёл судьялар клуби фаолияти ҳам йўлга қўйилади.

Ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошираётган яна бир янги тузилма – бу судьяликка номзодларнинг Судьялар олий мактабига кириш ва якунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берилган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси бўлиб, унинг қарорлари устидан Судьялар Олий Кенгашига шикоят қилиш тартиби белгиланади. Имтиҳон комиссиясининг жамоатчилик асосида ташкил этилиши Судьялар Олий Кенгаши ва жамоатчилик ўртасида ишончли алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада шаффоф фаолиятни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида йўл қўйилган ҳар қандай коррупция ҳолати одил судловга бўлган жамоатчилик ишончига жиддий путур етказадиган хавф ҳисобланади. Фармон ана шундай салбий иллатларга қарши муросасиз курашни йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий заминни яратиб берганлиги билан аҳамиятлидир. Олдимизга қўйилган мақсадларга судьяларнинг касбий малакасини ҳамда маънавияти ва масъулиятини оширмай туриб эришиб бўлмайди, албатта.

Матбуот анжумани Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали тўғридан-тўғри трансляция қилинди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Завод томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

МАҚСАД – НОЛДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат

Бугунги кунда давлатимизда импорт ўрнини босиш ва маҳсулот локализацияси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бундай режаларнинг қанча қисми «Тошкент металлургия заводи» МЧЖ зиммасига юклатилган? Завод қурилиш индустрияси, машинасозлик ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун совуқ прокатли коррозияга қарши ҳимояланган қопламали металл лист маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи илк корхона-ми?

Ушбу саволлар билан Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Механика факультети "Металларга босим билан ишлов бериш" кафедраси мудири, техника фанлари доктори Дароб Бердиевга мурожаат қилдик.

— Ушбу ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрельдаги «Тошкент металлургия заводини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида қурилган бўлиб, пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида барпо этилган Ўзбекистоннинг энг замонавий саноат корхоналаридан биридир.

Барчамизга маълумки, 2020 йил 4 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент металлургия заводининг очилиш маросимида иштирок этиб, юртимиз саноати учун янги даврни очиб берди. Корхонада муҳандис, лойиҳачи, металлург ва бошқа мутахассисларнинг янги авлоди шаклланган.

Завод қурилиши 2017 йилда бошланган эди. Уни бунёд этишга 420 миллион доллар сарфланди. Корхона техник ва технологик жиҳатдан халқаро миқёсдаги йирик мажмуалар қаторига киради. Бу ерда Италия, Германия, Россия, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея каби 27 мамлакатдан асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Ишлаб чиқариш, назорат қилиш ва бошқариш жараёнлари автоматлаштирилган.

Энг муҳими, заводда "яшил" технологиялар қўлланган. Чиқиндиларни қисқартириб, қатъий экологик меъёрларга амал қиладиган, чиқинди газларни ушлаб қоладиган, оқова сувларни тозалайдиган ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланган.

Мамлакатимизда қора металлургия саноатида коррозиябардош металл листлар ишлаб чиқариш ривожланмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш корхоналарида кўп муаммолар мавжуд эди. Эндиликда Тошкент металлургия заводида коррозияга чидамли, йилига 500 минг тонна рух ва полимер қопламали металл листлар ишлаб чиқарилади. Бу қурилиш материаллари, маиший техника, электротехника ва озиқ-овқат саноатидаги юзлаб корхоналарнинг эҳтиёжини таъминлаш имконини беради. Шу кунгача бундай маҳсулотлар учун хомашё асосан чет давлатлардан импорт ҳисобига олиб келинар эди.

Мазкур мажмуада биринчи босқичда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 400 миллион долларга яқин маблағ тежалади, маҳаллийлаштириш даражаси сезиларли ошади.

Мисол учун, сендвич панеллар ва том ёпиш тунукалари таннархида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан 90 фоизгача ортади. Шунингдек, бу кўрсаткич вентиляция ва ҳаво тозалаш тизимлари бўйича 30 фоиздан 50 фоизгача, маиший электротехника ишлаб чиқаришда 35 фоиздан 50 фоизгача ошади. Ўз-ўзидан аёнки, бунинг натижасида маҳсулотларнинг нархи арзонлашади. Шунингдек, завод томонидан йилига 90 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Мажмуада 700 га яқин киши ишлайди. Лекин, турдош тармоқлар билан бирга ҳисоблаганда, 5 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилиши мумкин.

— Металлургия соҳаси бўйича илмий салоҳиятга эга университетлардан бири Тошкент давлат техника университети ҳисобланади. "Тошкент металлургия заводи" билан Тошкент давлат техника университети ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида гапириб берсангиз?

— Президентимизнинг «Тошкент металлургия заводини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида корхона учун соҳага мос бўлган ёш кадрларни тайёрлаш Тошкент давлат техника университетига вазифа қилиб берилган.

Шу асосида, Тошкент металлургия заводи билан Тошкент давлат техника университети ўртасида 2018 йил 2 февралда 28-сонли Меморандум имзоланди. Меморандум асосида 2018 йилда Республикада мавжуд бўлмаган "Металларга босим билан ишлов бериш" ва "Прокат ишлаб чиқариш технологиялари" бакалавр таълим йўналишлари очилди.

Тошкент металлургия заводи очилиши "Металларга босим билан ишлов бериш" ва "Прокат ишлаб чиқариш технологиялари" бакалавр таълим йўналишлари ҳамда бошқа турдош таълим йўналиш талабалари учун замонавий жиҳозланган корхонада танишув, амалий, битирув олди амалиётларининг юқори самарада ўтказилиши, натижада талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан боғлашга, сифатли кадрлар тайёрлаш даражасининг ортишига, битирувчи ёш мутахассисларни иш билан таъминланиш салмоғини кескин ошиб боришига, кафедрадаги ёш ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил изланувчиларни илмий тадқиқотларини замонавий лабораторияларда таҳлил қилишига, шу асосида тайёрлаган илмий мақолларини рейтинги юқори бўлган чет эл журналларида чоп қилиш ва уларнинг диссертация ишлари ҳимоясини тезлаштириш имкониятларини янада оширади.

Корхона билан тўлиқ танишиш ва ҳамкорликда ишларни давом эттириш мақсадида "Металларга босим билан ишлов бериш" кафедраси профессор-ўқитувчи ва талабалари ушбу корхонага мунтазам келиб туриши режалаштирилган. Бу, заводдаги технологик жараён билан тўлиқ танишиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намуналарини ўрганиш имконини беради.

— Президентимиз, "ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — яқин йилларда яхлит, "нолдан тайёр маҳсулотгача" бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишдан иборат" дея таъкидлади. Бу борада қандай янгиликлар бўлмоқда?

— Тошкент металлургия заводи учун дастлабки хомашё чет мамлакатлардан импорт ҳисобига олиб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти ўз маърузасида янги ишга туширилган корхона яқин кунларда "Ўзметкомбинат" АЖ билан яқин ҳамкорликда фаолиятни бошлаши, яъни бугунги кунда Бекободда қиймати 800 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилаётгани, бу дегани — 1 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга қуюв-прокат мажмуаси барпо этилаётгани, унинг маҳсулотлари Тошкент металлургия заводи учун хомашё бўлиши ҳақида гапирилиб ўтди. Шунинг ўзи рух ва полимер қопламали листларнинг маҳаллийлаштириш даражасини 90 фоизга етказиш имконини беради, металл листларни "нолдан тайёр маҳсулотгача" бўлган металл ишлаб чиқариш кластерини яратишга замин бўлади.

— Завод жаҳоннинг етакчи корхоналари қаторига чиқиши учун фаолиятини қандай йўлга қўйиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Дунёда Германия, Япония, Россия ва шунга ўхшаш ривожланган давлатлар ишлаб чиқариш корхоналари тажрибаларига эътибор берсак, ишлаб чиқариш корхоналари соҳанинг етук олимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради, ундан ташқари корхонада фаолият юритаётган ходимларнинг асосий қисми иш билан биргаликда илмий фаолият билан ҳам шуғулланиб келишади, яъни иш жойида доимо илмий янгиликлар киритиб, корхонани ривожланишига ҳисса қўшишади, шу асосида яратган илмий янгилиги учун муаллифлик ҳуқуқини олишади, PhD ва DSc ҳимояларини ўтказишади. Шу асосда корхона ишлари ташкил этилса, корхонада фаолият юритаётган иқтидорли ёшлар илмий ишларга жалб қилинса, уларнинг натижалари нуфузли конференцияларда ёритиб борилса, Тошкент металлургия заводи жаҳоннинг етакчи корхоналари қаторига албатта чиқади.

"Ўзбекистон овози" мухбири Шуҳрат ИСЛОМОВ ёзиб олди.

МУНОСАБАТ

ИБРАТЛИ КИШИЛАР ВА ИШЛАР

Бугун биз янгиланишлар даврида яшаяпмиз. Юртимизнинг қай бир гўшасига бормайлик, ободонлаштириш, юксак бунёдкорлик ишларини кўриб қалбларимиз қувончга тўлади.

Яқинда бир юмуш билан вилоятимизнинг Нишон туманида бўлдим. Ўтмишда Қарши чўли деб ном олган бу ерлардаги ўзгаришларни кўриб, инсон ўз ақл идроки билан ҳар қандай гўзалликни яратишга қодирлигига яна бир бор амин бўлдим. Айниқса, жиноят ишлари бўйича суд биноси ҳовлисида ўзимни худди истироҳат боғида юргандек ҳис этдим.

Бино ҳовлиси шунчалик дид билан ободонлаштирилганки, ҳайратга тушасиз. Атроф ям-яшил гўзалликка бурканган. Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди раиси Шаҳобиддин Ҳасанов талабалик йилларида Европа давлатларида амалиёт ўтаб қайтганидан кейин суд-ҳуқуқ тизимида ишлаб тажриба орттирди, ўзининг адолатпаврларигги, холислиги билан эътибор қозонди. У қаерда ишламасин, ўзи хизмат қилаётган ҳудудни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратаркан. Суд биноси ҳовлисини тўлдириб турган қип-қизил атиргулларга қараб, руҳиятингизда ажиб туйғулар жонланади, кўнгил ҳам гўзаллашди...

Бино ичкарисида ҳам озодалик ҳукмрон. Хоналар шинам. Суд раиси Шаҳобиддин Ҳасанов билан мулоқот жараёнида кайфиятим янада кўтарилди. У кишининг хушмуомалалиги, камтарлиги мени лол қолдирди. Суд биносидан чиқаётиб, кўнглимдан бир тилак ўтди: Илоҳим яхшилар кўпайсин, юртимизнинг ҳар бир гўшаси гуллаб-яшнасин!

Турдиқул МАМАНОВ, ЎзХДП аъзоси, Деҳқонобод туман кенгаши депутати, «Шерқўзи» фермер хўжалиги раҳбари.

ЭЪЛОН

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2020 йил 28 декабрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри И.Каримов кўчаси 162-уй, 1-хонадонда очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам ва қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлимига тегишли бўлган, 2 (икки) донадан иборат автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2009 йилда ишлаб чиқарилган 75/327 ААА давлат рақамли "ГБАСПГ NEXIA SOHC" русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 23 418 720 сўм.

2. 2010 йилда ишлаб чиқарилган 75/266 ААА давлат рақамли "ГБАСПГ NEXIA SOHC" русумли автомашинасининг бошланғич баҳоси: 22 545 431 сўм.

Автотранспорт воситалари билан Олий суд ҳузуридаги Департаментнинг Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 28 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо ғолиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажармаса такрорий аукцион савдолари хар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 2 (икки) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "SURXON SAVDO INVEST" масъуляти чекланган жамиятининг Х/р:20208000100512709001. ИНН; 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО; 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, И.Каримов кўчаси, 162-уй 1-хонадон Телефон (76) 221-90-36.

Гувоҳнома 903

2021 ЙИЛДАН

Тошкент шаҳрида жамоат транспортининг янги даври бошланади

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларига транспортда сифатли хизматлар кўрсатиш, йўловчиларни ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва Тошкент шаҳри йўловчи транспорти тизимини ўзаро интеграциялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хўш, бу борада қандай амалий ишлар қилинмоқда? "Тошшаҳартрансхизмат" акционерлик жамияти томонидан соҳани ривожлантириш, янги техника-технологияларни жорий этилишига бағишланган оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресс-тур ташкил этилди.

— Пойтахтимизда алоҳида йўлакларга эга бўлган, етти йўналишда тез юрар автобуслар ҳаракатини ташкил қилиш режалаштирилган. 18 ва 24 метрли 200 йўловчи сиғимга эга бўлган автобуслар биринчи босқичда Чилонзор буюм бозори билан Чорсу бозорини боғловчи йўналишда ҳаракатланади, — дейди "Тошшаҳартрансхизмат" акционерлик жамияти Бошқарув раиси Анвар Жўраев. Бу йўналиш Бунёдкор, Усмон Носир, Шаҳрисабз ва Навоий кўчалардан ўтади, умумий узунлиги 17,7 километр, 26 бекатдан иборат бўлади. Ушбу йўлакда 18 та автобус ҳаракатланиб, оралиқ вақти 5 минут бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳрига кириб келувчи, ҳаракатланувчи йўловчилар оқимларидан келиб чиқиб, кейинги босқичларда қолган йўналишларни ишга тушириш режалаштирилган. Барча бекатлар, шоҳ кўчалар, автосаройларнинг йўналишлари ўрганиб чиқилгач, маълумот берувчи йўл белгилари етишмаслиги аниқланди. Биз ўрганган 10 километр масофада 86 йўл белгиси бор экан. Жаҳон талаблари асосида эса 355 йўл белгиси бўлиши керак. Бундан кўриниб турибдики, бизда, йўл белгилари 3 баробар кам.

Жорий йилнинг 31 ноябрь ҳолатига кўра, Тошкент шаҳрида 128 йўналиш бўйича жами 95 миллион 368 минг йўловчи жамоат транспорти – автобуслардан фойдаланган. 2021 йил 1 январдан "Тошшаҳартрансхизмат" томонидан йўловчилар жамоат транспортидан фойдаланиладиганда амалдаги тариф асосида йўл ҳақини тўлиқ тўлаш учун мўлжалланган шахсийлаштирилмаган кўп марталик ўқувчилар, талабалар, пенсионерлар ҳамда аҳоли учун мўлжалланган электрон тўлов карталари жорий қилинмоқда.

Ушбу транспорт карталарини "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ ойлик йўл чипталарини сотиш шаҳобчаларида ҳамда метрополитен кассаларида харид қилиш мумкин. Ягона транспорт карталарини электрон тўлов тизимларининг мобиль иловалари орқали, шунингдек, АТТО сайтидаги шахсий кабинет орқали ҳисобини тўлдириш мумкин.

АТТО транспорт карталари Банк карталари каби ҳимояланган, унинг хавфсизлик даражаси ўта юқори даражада бўлиб, йўқотиб қўйилган карта телефон рақамига боғланган бўлса, фойдаланувчи ўз картасини блоклаш имкониятига эга.

Бундан ташқари жамоат транспортида йўналишни режалаштирувчи «Менинг йўналишим» мобиль иловаси жорий этилди. Мазкур мобиль иловага Тошкент шаҳридаги барча автобус йўналишлари киритилган бўлиб, йўловчилар ўз автобусларини олдиндан кўриш ва бекатга етиб келиш вақтини онлайн тарзда кузатиш имконига эга бўладилар. Шунингдек, йўловчилар иловада кузатиладиган хато ва камчиликлар юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини мобиль иловининг ўзида "fikr bildirish" бўлими орқали йўллаб, жамоат транспорти фаолиятини такомиллаштириш учун ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин. Фойдаланувчилар "Mening yo'nalishim" мобиль иловасини "PlayMarket" ҳамда "Appstore" порталларидан юклаб олиш имкониятига эгалар.

Тошкент шаҳрида янги инновацион автобус оралиқ бекатларини татбиқ қилишда чет эл тажрибаси ўрганиб чиқилди ва автобус бекатларининг ягона дизайни яратилди. Ушбу бекат Давлат стандартига мос бўлиб, унда аҳоли учун бепул wi-fi, автобуслар қатнов жадвали ва келиш вақтини кўрсатувчи электрон табло, кузатув камераси, чиқинди қутилари, мобиль қурилмалар қувватлаш манбаи, автомат савдо қурилмаларини жойлаштириши, имконияти чекланган шахслар учун махсус пандус, йўл белгиси, ўриндиқлар эга бўлиши назарда тутилган бўлиб, унга фақат бекат деворига реклама жойлаштиришга рухсат берилган.

2019 йилнинг 1 июль санаси ҳолатига хатлов натижалари бўйича Тошкент шаҳрида жами 2176 оралиқ бекат мавжуд эканлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида намунавий дизайн асосида автобус оралиқ бекатларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилди.

Автобусларни онлайн кузатиб бориш тизими жорий қилинган бўлиб, Тошкент шаҳридаги барча тасарруф этилаётган автобусларга "GPS" треккерлари ўрнатилиб масофадан назорат этиш мақсадида алоҳида хизмати ташкил этилди. Ҳозирда янги инновацион янгиланишлар билан биргаликда иш ташкил этилмоқда.

Бунга кўра "Тошшахартрансхизмат" томонидан йўналишларда ҳаракатланаётган автобусларни масофадан назорат қилиш учун "АСДУМ" дастури йўлга қўйилди. Ушбу дастур ёрдамида янги инновацион модуллар билан онлайн мониторинг қилиб бориш имкони мавжуд.

Мазкур хизмат, "Тошшахартрансхизмат"АЖ таркибидаги автобус саройлари тасарруфидаги барча автобус йўналишларида ҳаракатланаётган автобусларни масофадан назорат этиш орқали йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиши белгиланган.

Бугунги кунда ўртача 1200 ҳаракат воситалари автобусларда GPS треккерлари ўрнатилган бўлиб 128 йўналиш масофадан назорат қилиб борилмоқда.

2020 йилда Тошкент шаҳрида 152 йўловчи ташиш транспорт йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Натижасида уларнинг 43 таси оптималлаштирилди, жумладан, 32 автобус йўналишлар масофаси қисқартирилди, метронинг янги йўналиши очилиши муносабати билан бир бирини такрорлайдиган 11 йўналиш ёпилди, ҳамда 2 янги йўналишлар очилди. Оптималлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳри жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларга кўра, қуйидаги самарадорлик кўрсаткичларига эришиш кутилмоқда. Йўналишларнинг ўртача масофасини 19,8 км дан 15 км гача қисқартириш, автобусларнинг ўртача ҳаракатланиш оралиқ вақтини 20-30 дақиқадан 10-12 дақиқагача тушириш, ер усти жамоат транспортининг бир кунлик босиб ўтадиган масофасини 37,6 минг километрга камайтириш, кунлик ёқилғи харажатини 13 минг литрга қисқартириш, атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндиларни кунига 2,5 тоннага камайтириш, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сарф-харажатларини йилига 27,7 миллиард сўм миқдорида тежаш, метрополитендаги кунлик йўловчилар оқимини 240 минг йўловчидан 500 минг йўловчигача кўпайтириш. 75 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайдиган 6 янги туражой мавзесини мунтазам автобус йўналишлари қатнови билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу ишларнинг ҳаммаси пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш, ортиқча сарф-харажатларни олдини олиш, Тошкентни дунёнинг энг замонавий шаҳарларидан бирига айлантириш учун қилинмоқда.

Шуҳрат ИСЛОМ

Бизда иқтидорли, малакали ўқитувчиларимиздан айримларининг ойлик маошлари ҳозирданоқ 1000 АҚШ долларига яқинлашиб қолган.

МЕДИА-ТУР

Навоий вилоятининг шаҳар ва туманларида

олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларидан аҳолининг кўнгли тўқ ва эртанги кунига ишончи баланд

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ва Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Журналист ва ҳаёт” лойиҳаси доирасида Навоий вилоятининг Навоий, Ғозғон шаҳарларида ҳамда Нурота ва Навбаҳор туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусан, янгидан барпо этилган “Ғозғон” шаҳри билан марказий оммавий ахборот воситалари ходимларини яқиндан таништириш мақсадида медиа-тур ташкил этилди. Журналистлар икки кун давомида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Навоий шаҳридаги “Baht-Textile” масъулияти чекланган жамиятида бўлишди. Корхона 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда пахтачилик бўйича вилоятдаги йирик кластер субъекти ҳисобланади. 1327 нафар ишчи-ходим фаолият олиб бораётган корхонада Швейцариянинг илғор етакчи енгил саноат дастгоҳлари ишлаб чиқарувчи “RIETER” компаниясидан ип-йигирув дастгоҳлари олиб келиниб ўрнатилди. Натижада 2019 йилда жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати 27 минг тоннага етказилди. Корхона Навоий вилоятида етиштирилаётган пахта толасининг 70 фоизини қайта ишлаб, ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулот кўринишига олиб келмоқда.

– Корхона фаолият кўрсата бошлаганидан буён мен каби иш излаб юрган кўплаб хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлдик, – дейди оператор **Дилбар Собирова.** — Уйда ўтиргандан кўра иш билан банд бўлиб, оиламизга маълум миқдорда бўлса ҳам, молиявий жиҳатдан кўмак бераётганимдан мамнунман. Бундан ташқари, меҳнат дафтарчаси очилиб, иш стажим ҳам юритиляпти. Корхонамиз раҳбарияти кейинги йилдан бошлаб ойликларимизни кўтаришни ваъда қилган. Корхонамиз фаолияти янада кенгайиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштириляпти. Шунда менга ўхшаб ишсиз уйда ўтирган яна кўплаб хотин-қизлар ҳам ишли бўлишади.

Корхона фаолияти билан танишиб бўлганимиздан сўнг шаҳарда жорий ўқув йилида иш бошлаган Навоий — Қоракўл ихтисослаштирилган мактаб-интернатига қараб йўл олдик. Маълумот ўрнида айтиш керак, мактаб-интернат математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган бўлиб, 360 ўринга мўлжалланган. Таълим муассасаси мукаммал таъмирига 2,8 миллиард сўм маблағ сарфланган, моддий-техник базаси мустаҳкамланган.

— Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган маросимдаги нутқида ўқитувчиларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги, келажак пойдеворини яратишдаги хизматига юксак баҳо берди, — дейди **Навоий вилоят ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби Дилшод Мамаражапов.** — Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Қоракўл туманида мамлакатга машҳур бир мактаб бор. Ўз касбига фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаев ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабини республика даражасидаги таълим даргоҳига айлантирди. Бу ерда эришилаётган ютуқлардан ўрнак олиб, вилоятимиз ҳокими Қобулжон Турсунов бошчилигида Қоракўл туманида фаолият юритаётган “Халқаро математика фани мактаби” каби Навоий шаҳрида ҳам Навоий — Қоракўл ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилди. Янгидан ташкил этилган ушбу мактаб-интернатига юқори касб маҳоратига эга бўлган умумтаълим мактаби ўқитувчилари, шунингдек, вилоятимиз ҳудудидаги олий таълим муассасалари ҳамда Қоракўл туманидаги “Халқаро математика фани мактаби”да дарс бераётган ўқитувчилар жалб қилинди.

— Бугунги кунда ушбу таълим муассасамизда таҳсил олишни хоҳлаган ўқувчиларнинг билимини беш босқичда синовдан ўтказиб, саралаб олганмиз, — дейди **Навоий — Қоракўл ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори Нурулло Яҳёев.** — Мактаб-интернатимизга 7-синфдан ўқувчиларни қабул қиламиз. Бундан ташқари, 8-9-10-синфлардан ҳам ўқувчиларнинг билими 5 босқичда синовдан ўтказилади ва уларнинг билим даражаси етарли бўлса, яъни иқтидорли, илмга чанқоқ, таълим олишга иштиёқи баланд бўлса, уларнинг ҳам таҳсил олишига имконият яратамиз. Бугунги кунда таълим даргоҳимизда 307 нафар иқтидорли ўқувчига 47 нафар малакали педагог математика, физика, кимё, биология, инглиз ва она тили фанларидан чуқурлаштирилган дастур асосида таълим-тарбия бериб келмоқда. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, таълим даргоҳимиздаги фан ўқитувчиларининг барчаси юқори малакали педагоглар бўлиб, улар танлов асосида ишга қабул қилинган.

Ҳозир мактаб-интернатда уч йўналишда, яъни “Иқтисод”, “Техника” ва “Табиий” йўналишлар бўйича 11 та ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган. Мисол учун, “Иқтисод” йўналишида математика, инглиз ва она тиллари фани, “Техника” йўналишида эса математика, физика ва она тили ҳамда “Табиий” йўналишда кимё, биология, она тили фанлари чуқурлаштирилиб ўтилади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир маълумотни айтиб ўтмоқчи эдим. Ўзим “Қоракўл мактаби”да 20 йилдан ортиқ директор ўринбосари бўлиб ишлаганман. Шу боисдан вилоят ҳокими Навоий — Қоракўл ихтисослаштирилган мактаб-интернатига мени таклиф этиб, ушбу таълим даргоҳининг нуфузи худди “Қоракўл мактабидек” бўлишини хоҳлашини айтди ва мен ишга киришдим. Албатта, Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи вилоятда залворли номга муносиб авлодлар тарбияланади ва мамлакатимизни янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган, жаҳон фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, юртимиз байроғини баландларга кўтарадиган иқтидорли ёшлар бу таълим даргоҳида етишиб чиқишига ишончим комил. Ҳа, айтганча, таълим даргоҳимизда ўқитувчилик қилаётган, ўз вақтида “Қоракўл мактаби”да таҳсил олиб, жаҳон фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовар бўлган юқори малакага эга бўлган педагогларимиз ҳам ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келишмоқда. Президентимиз ўқитувчиларнинг ойлик маошлари 1000 АҚШ доллари миқдорида бўлади, деб айтган гаплари барчамизни қувонтирди, албатта. Бизда иқтидорли, малакали ўқитувчиларимиздан айримларининг ойлик маошлари ҳозирданоқ 1000 АҚШ долларига яқинлашиб қолган.

Пресс-тур иштирокчилари Навоий шаҳрида мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган Марказий Осиёда ягона ҳисобланган айлана шаклидаги йўл ўтказгич, яъни мегакўприкни ҳам кўздан кечиришди. Ушбу айлана шаклга эга мегакўприкнинг бунёд этилишига 15 миллиард сўм маблағ сарфланган. Шунингдек, мегакўприк туфайли “Амир Темур” ва “Ғалаба” шоҳ кўчалари чорраҳасида пиёдаларга қулайлик яратилди. Мегакўприк жойлашган чорраҳа Навоий шаҳрининг марказий деҳқон ва кийимкечак бозорлари ёнида жойлашган. Бир дақиқада ушбу чорраҳани 400 нафарга яқин киши кесиб ўтади. Ушбу мегакўприк пиёдаларни чорраҳадан ўтаётган вақтида йўл-транспорт ҳодисаси юз бериш хавфидан сақлаш билан бирга автомобиллар тирбандлигининг олдини олмоқда. Бундан ташқари, ўзгача дизайнга эга айланма мегакўприкнинг тўрт томонида чиқиб, тушиш учун зиналар мавжуд. Эътиборли жиҳати, бозор ёнида бунёд этилгани боис, тадбиркорлар ёки харидорлар аравада юкини йўлнинг у ёки бу томонига автомобиллар ҳаракатига халақит қилмасдан олиб ўтиши учун зиналар ёнида пандуслар ҳам барпо этилган. Кексалар ҳамда имконияти чекланган ногиронлар учун лифт ҳам кечаю кундуз ишлаб турибди. Қолаверса, қор ва ёмғир ёғиб, ҳарорат совиб кетиши оқибатида ерлар музлаганда ҳам зиналар музламайди. Боиси, зиналарга музлашга қарши махсус қопламалар ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда, шаҳар марказида бунёд этилган ўзгача услуб ва дизайндаги айланма мегакўприк шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашиб туриши билан бирга, унга қараган кишида гуёки санъат асарини томоша қилаётгандек тасаввур уйғотади.

Шу куннинг ўзида Навоий шаҳридаги “Тинчлик плаза” меҳмонхонасида медиа-тур доирасида “Замонавий профессионал журналистикани ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов, “XXI аср” газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов, “Ҳуррият” газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов ҳамда “Адолат” газетаси бош муҳаррири Ислом Ҳамролар бугунги кунда профессионал журналистика, соҳадаги муаммо ва камчиликлар, уларнинг ечимлари, босма матбуот нашрларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, етук журналистларни тайёрлаш, уларнинг билим ва маҳоратларини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш лозимлиги ҳамда “Устоз-шогирд” анъанасини ривожлантириш билан бирга, соҳа учун кадрлар етказиб берувчи олий ўқув юртларида таълим олаётган йигит-қизларни амалиётга кўпроқ жалб этиш, ёш журналистларни муносиб рағбатлантириб бориш кераклиги тўғрисида ўзаро фикр алмашинилди. Тадбирда бир гуруҳ навоийлик фаол журналистларга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Медиа-турнинг иккинчи кунида иштирокчилар дастлаб Президентимизнинг ташаббуси билан 2019 йил 3 майда ташкил этилган вилоятдаги Ғозғон шаҳрига боришди. Улар ҳудуддаги энг йирик корхона “Мармаробод” МЧЖ кластер корхонасининг фаолияти билан яқиндан танишиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ва жараёнларини кўздан кечирдилар. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 март куни Навоий вилояти Ғозғон шаҳрига ташрифи давомида қилган таклифи билан фаолиятини бошлаган мазкур кластернинг умумий қиймати 52 миллион АҚШ доллари бўлиб, 14 лойиҳа амалётга татбиқ этилади. Натижада конлардаги ишчилар билан бирга 850 та янги иш ўрни яратилади.

Ўтган қисқа давр ичида корхона ҳудудидаги майдон 11000 кв.м. бўлган асосий бино ва яна 10 та кичик лойиҳа бинолари қурилиши якунланди. Банкнинг 4 миллион АҚШ долларилик имтиёзли маблағлари ҳисобига Хитой давлатидан замонавий ускуналар келтирилди. Шунингдек, Хитойдан 4 нафар малакали инженер-мутахассислар жалб қилиниб, улар томонидан янги ускуналар монтаж қилинди ҳамда маҳаллий ёшларни ушбу ускуналарда ишлашга ўргатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 март куни Навоий вилояти Ғозғон шаҳрига ташрифи давомида қилган таклифи билан фаолиятини бошлаган мазкур кластернинг умумий қиймати 52 миллион АҚШ доллари бўлиб, 14 лойиҳа амалётга татбиқ этилади. Натижада конлардаги ишчилар билан бирга 850 та янги иш ўрни яратилади.

— Корхонамиз йилига 70 минг куб тош қазиб олиш ва 800 минг квадрат метр тошни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди **“Мармаробод” МЧЖ кластер корхонасининг раҳбари Маҳмуд Шарофатов.** — Ҳозирги кунда корхонага тегишли 2 та, яъни Пашшот, Парғат карьерларидан янги ускуналарда замонавий усулларда гранит тошларни қазиш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунгача 15 000 куб метр табиий тошлар қазиб олинди. Бугунги кунда корхонада 400 нафар маҳаллий ёшлар уч сменада ишламоқда. Бундан ташқари, карьерларда очиш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли ҳозирда кунлик қазилган 100 куб тошдан 50 куб яроқли тош олинмоқда. 2021 йил январда карьерлар тўлиқ очилиши билан улардан кунига 200 куб, ойига 6 минг куб, йилига 72 минг куб тош қазиб олишни режалаштириб турибмиз.

Қолаверса, Ғозғон ҳудудида қазиб олинаётган мармар тошлар пойтахтимиздаги қатор метро бекатларини безатишда, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз шаҳарларидаги бино, иншоотлар ва мақбараларда фойдаланилганлигини яхши биламиз. Бугун эса айнан ўша машҳур тошларга шу жойнинг ўзида сайқал берилиб, қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида харидорларга етказиб берилмоқда.

Шундан сўнг медиа-тур иштирокчилари Нуротадаги “Чашма” меъморий мажмуасида ҳам бўлиб, уни зиёрат қилишди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу меъморий мажмуада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Бу ердаги маданий мерос объектлари қайта таъмирланиб, 80 ўринга мўлжалланган меҳмонхона ҳам фойдаланишга топширилган. Яна битта меҳмонхона, амфитеатр қурилиши тугалланиш арафасида. Яқинда ҳунармандлар маркази ҳам ўз фаолиятини бошлабди. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Нурота туманидаги “Чашма” меъморий мажмуаси халқ тилида айтганда, чинакамига мўъжиза мажмуасидир. У денгиз сатҳидан 524 метр баландликда жойлашган бўлишига қарамасдан, ер остидан булоқ қайнаб, отилиб чиққан. Эътиборли жиҳати, ушбу булоқнинг суви йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдек, 19,5 даражада илиқликда бўлади. Маълумотларга кўра, секундига 360-400 литр сув ер остидан қайнаб, отилиб чиқаётган сув таркиби турли микроэлементларга бой бўлиб, шифобахш ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сув таркиби ўн уч турдаги маъданлар билан тўйинганлиги ҳам олимлар томонидан исботланган.

Медиа-тур иштирокчилари Навбаҳор туманидаги “Қалқонота” маҳалласида ташкил этилган “Навбаҳор касаба чеварлари” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. Лойиҳа қиймати 6 миллиард сўм, 10 турдан ортиқ трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур тикув корхонасида 400 нафарга яқин хотин-қиз ишлашмоқда.

— Мен ўрта маълумотга эга бўлсам ҳам тикувчиликка қизиқар эдим, — дейди **Зуҳра Муродова.** — Тикувчилик корхонаси ишга туширилиши айни муддао бўлди. Дастлаб, масъулияти чекланган жамияти бу ерда ишлаётган хотин-қизларни 3 ойлик ўқув курсларида ўқитиб, касб-ҳунарга ўргатди. Шундан сўнг корхона ишга тушиши билан бизни иш билан таъминлади. Ойлик маошимиз 1 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Бундан биз жуда мамнунмиз. Боиси, ишлашга иштиёқимиз баланд эди, аммо иш тополмасдан, уйда ўтирардик. Мана бугун ишлаяпмиз, оиламизга молиявий жиҳатдан даромад олиб киришимиз сабаб, фаровонлигимиз таъминланмоқда.

— Яқин кунларда туманимиздаги “Бешробот” маҳалласида 500 ва “Қоражон” маҳалласида 400 ўринга эга яна иккита мана шундай трикотаж фабрикасини ишга туширишни режалаштириб турибмиз, — дейди **Навбаҳор туман ҳокими Лочин Облақулов.** — Ушбу корхоналар ишга туширилса, туманимиздаги хотин-қизларни иш билан банд қиламиз. Ўрни келганда айтишим мумкинки, бундан икки йил олдин туманда умуман иссиқхона мавжуд эмас эди. Ҳозир эса 20 гектарлик иссиқхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши натижасида 200 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, туманимизга саноатни олиб киришимиз туфайли кўплаб ишсиз аҳолини иш билан таъминламоқдамиз.

Медиа-тур якунида вилоят ҳокими Қобул Турсунов журналистлар билан учрашиб, вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталди. Ҳоким берган маълумотларга қараганда, Навоий вилояти нисбатан ёш вилоят бўлишига қарамасдан, республикамизда саноат маҳсулотлари ҳамда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллар экан. Бундан ташқари, қурилиш маҳсулотлари ҳамда чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида ҳам вилоят энг олдинги ўринларда бормоқда. Энг қувонарлиси, жорий йилда вилоятдаги умумтаълим мактабларини тугатган ўқувчиларнинг республикамиздаги олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари бўйича ҳам биринчи ўринда экан. Бу маълумотлардан ҳаммамиз хурсанд бўлдик, вилоятда олиб борилаётган ислоҳотларга, бунёдкорлик ишларига муваффақиятлар тиладик.

Вилоятнинг қай бир ҳудудига борманг, тарихий ўзгаришларга гувоҳ бўласиз, одамларнинг миннатдорлигини кўрасиз. Бу ўзгаришлар осонликча амалга ошмаётганини ҳам англаш қийин эмас.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЭЛЕКТР МОСЛАМАЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Хонадонларда, корхона ва ташкилотларда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишининг олдини олиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Хонадонимизда ва иш жойимизда айрим фуқароларимиз ностандарт, талабларга жавоб бермайдиган электр мосламаларидан, яъни, сув иситиш ёки телевизор ва бошқа электр мосламасини улаб фойдаланишмоқчи бўлишади. Бундай ҳолатлар фожиали оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Хонадонларда ва иш жойларида носоз электр ускуналаридан фойдаланиш оқибатида улар қизиб кетади ёки симлар туташуви ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Ёнғин чиққан жойга яқин турган парда ва тез аланга олувчи бошқа уй жиҳозлари аланга олади.

Уйларимизда ёш болаларни қаровсиз қолдирмасликка, улар гугурт билан ўйнашларига йўл қўймасликка, газ ва электр мосламаларидан тўғри фойдаланишга, носозларини ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилишимиз лозим. Ёнғин чиққанда тезда 101 рақамига манзилни тўлиқ айтган ҳолда хабар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сарвар АМАНТУРДИЕВ, “Маърифат маркази” ЁХТТЭБ инспектори, катта лейтенант,
Шорустам МАҲМУДОВ, мутахассис.

РЕКЛАМА

Asakabank

MUVAFFAQIYATLI TANLOV!

Xizmatlar litsenziyalangan.

Қаранг-а, оёғимиз остида шундай хазина – шифоли сув бор экан-ку, билмас эканмиз.

МЎЖИЗА

1981 МЕТР ЧУҚУРЛИҚДАН ЧИҚАЁТГАН ИССИҚ СУВ

одамларга шифо ва қувонч бахш этмоқда

Шу йилнинг 12-13 ноябрь кунлари Президентимиз Қашқадарё вилоятида бўлганида турли соҳалар қаторида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш истиқболларини ҳам кўрсатиб берди. Эндиликда барча имкониятлар ишга солиниши, хусусий саломатлик масканларини барпо этиш, борларини ривожлантиришга катта эътибор берилиши лозим. Ушбу мақолада вилоятдаги санаторийлардан бири фаолияти, тарихи, уни бунёд қилган инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ЭЪТИРОФ

Ўтган йили бу шифо масканида бўлганимда Тошкент шаҳрининг Чилонзор мавзесида яшайдиган Зуҳра опа шундай деганди:

— Асли тадбиркорман. Дунёнинг бир қанча давлатларида бўлганман. Насиб экан, анча сиҳатгоҳлар, жумладан, Карлови Вари санаторийсида ҳам даволанганман. Нима десам экан? Ҳар бири ўзига хос. Танишларимдан эшитиб, Қашқадарёнинг Косон туманидаги мана шу "Турон маъданли суви" шифо масканига келдим. Жой, таомлар – бари яхши, мени асосан, даволаш ва сувнинг шифобахш таъсири қизиқтирди. Ер қаъридан, қайнаб чиқаётган сув ваннасини қабул қилиш менга маъқул бўлди. Бел ва оёқларимдаги оғриқлар камайди, овқат ҳазм қилишим яхшиланди. Шифокорларнинг айтишича, бу сув ҳазм аъзолари, жигар, ўт йўллари ва бошқа ички аъзолар касталикларига даво экан. Мен Тошкентга қайтиб боргач, бу сиҳатгоҳни танишларим, қариндош-уруғларимга тавсия қиламан. Қаранг-а, оёғимиз остида шундай хазина – шифоли сув бор экан-ку, билмас эканмиз. Э, шу шифохонани бунёд этганларга раҳмат айтаман...

ЕР ҚАЪРИДАН САДО

Мана, яна шу сиҳатгоҳдаман. Дўстим Шариф ҳожи Ғойипов машинасида эрта тонгда бу ерга етиб келдик. Ўзбекистон халқ демократик партияси Косон тумани кенгаши раиси, серғайрат ва катта ташкилотчи укамиз Султонмурод Раҳимов билан шу ерда учрашиб қолдик.

У партиямиздан туман Кенгаши депутати, 35-мактаб директори Сирожиддин Муродов билан муҳим бир масалани муҳокама қилиш учун келган экан. Мен эса бир неча кундан буён тумандаги янгиликлар, хусусан, шифо масканлари фаолияти билан танишиб юргандим.

Сирожиддин Муродов биз билан кўришгач, Султонмурод билан бир чеккага чиқиб, қандайдир масалани муҳокама қила кетишди. Узуқ-юлуқ сўзлардан англашимча, қандайдир кўприк қуриш, депутатлик сўрови натижалари ҳақида гап кетаётганди.

Уларга халақит бермай, Шарифжон билан санаторийни ўраб турган темир панжарага яқинлашдик. Ўтган сафар эътибор бермаган эканман, дарвоза ташқарисидаги кенг майдонда фаввора қурилган экан. Китоб ва Шаҳрисабзда икки бор қор ёққан бўлса-да, бу бепоён даштларда озроқ ёмғир савалаб, кейин осмон очилиб кетибди. Меҳмон келишини билиб, фавворани ишлатиб қўйишган бўлса керак-да. Қарангки, фаввора яқинидаги мажнунтоллар ҳали ҳам баргини ташламабди.

— Ўтган йили олиб кетган сувимиздан ичгач, фойдасини сездим, — дейди Шарифжон эътиборимни ўзига қаратиб. — Негадир, ўшанда бу шифобахш сувнинг таркиби, қанча чуқурликдан чиқиши, қачон, қандай топилгани, бу жойларни ким обод қилгани ҳақида сўрамабмиз. Билиб кетайлик, қишлоқдошларимиздан бел, оёқ, ички аъзолар оғриғидан азоб чекиб юрган бир нечта кишини биламан. Борсак айтамиз, яқин экан, даволанишга келишар...

— Сирожиддин, — мурожаат қиламан депутатимизга, улар Султонмурод иккаласи ўзаро фикрлашиб, биз томон келишаётган эди. — Агар хабардор бўлсангиз, баъзи маълумотларни сўрамоқчи эдим... Хўш, бу сувни ким, қачон топган? Биз ҳар хил гапларни эшитаяпмиз...

— Билсангиз, бу даштнинг ҳам ўз тарихи бор, — дейди Сирожиддин кенгликларга назар ташлар экан. — Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бу жойларда бир нечта кичик-кичик колхозлар тузилган ва анча вақт ўтиб, улар "Турон" давлат хўжалигига бирлаштирилган. Ватанимиз мустақилликка эришгач, ана шу даштларда ҳам фермер хўжаликлари ташкил этилди. Одамлар асли Пўлати қишлоғидан кўчиб келишган.

Ана шу даштлардаги бир хўжаликнинг бош ҳосилоти менинг Мурод бобом бўлган. Отам қирқ йилга яқин шу жойдаги кичик бир мактабда директорлик қилган. Дастлаб учта қишлоқ бўлган. Ичимлик сув танқислиги сабабли одамлар кўчиб, Райимсўфи қишлоғи атрофига қўнишган. Бобом билан етти оила қолган экан. Ўшандан қишлоғимизни Олачабоб дейишади. Олтмишинчи йилларда, асосан, рус геологлари қишлоқ яқинида кон қидириб, ер қазадиган, бурғулайдиган техника ва ускуналарни олиб келишади. Ниятлари газ ёки нефть топиш бўлган.

Бобом қизиқувчан одам бўлгани туфайли геолог-бурғуловчилар олдига тез-тез бориб турган, қўй сўйиб, меҳмон қилган, ахир асосий тирикчилик чорвадан бўлгач, анча қўй-қўзиси бўлган-да. Шу тарзда улар билан ошна киришган. Санасини билмайман, 1962 йилнинг ёз ойларида газ ва нефть ўрнига ер қаъридан кутилмаганда иссиқ сув отилиб чиққан...

— Анча меҳнатимизга куйдик, — деган экан бобом билан ошна киришган кон қидирувчиларнинг бошлиғи. – Газ ёки нефть қани? Озмунча маблағ сарфладикми? Қудуқни кўмиб ташлашдан бошқа илож йўқ.

— Кўмиб нима қиласизлар, — дейди Мурод бобом ошнасининг кўнглига қараб. — Шундай қолдиринглар, одамлар бахраманд бўлсин. Кўрдингиз, бу атрофда ичимлик сув деярли йўқ.

— Қанақасига қолдирамиз? — ажабланади кон қидирувчилар раҳбари. — Ахир, қудуққа озмунча қувур ташланганми? Ҳисоб-китоб дегандай...

— Бу худонинг бир иноятидир, шунча одам сувсизликдан қийналмасин, деб ер қаъридан чиқариб берди, — дея бўш келмайди Мурод бобом. — Ҳозир ҳукумат ҳам халқни ўйлаяпти-ку!

— Билмадим, ошна, бошим қотиб қолди, — дейди кон қидирувчи. — Қани, кўпчилик билан маслаҳатлашиб кўрайлик-чи...

Бошлиқ кийимларига сув, лой сачраган бурғуловчилар олдига кетади. Кенгаш анча давом этади, бу ёқда Мурод бобом юрагини ҳовучлаб туради.

— Майли, айтганинг бўлсин, — дейди анчадан кейин Мурод бобомнинг олдига келган бошлиқ. — Кўпчилик "Майли, одамлар сув ичсин, бизга раҳмат айтишади", — дейишди. Бир эрийдиган бўлдинг...

— Одамлар сизларни, қилган меҳнатингизни асло унутмайди, — дейди Мурод бобом кон қидирувчи ошнасини бағрига босиб. — Зиёфат сизлардан айлансин...

Сирожиддин анча вақт дашт кенгликларига боқиб, хаёлга чўмади. У эҳтимол, одамларга қайишиб, 90 ёшида қайтиш қилган бобосини ўйлаётгандир. Бир элпарвар инсоннинг тадбиркорлиги оқибатида улкан даштда бемисл булоқ сув бера бошлайди.

— Мен отамдан эшитганларимни, эл тилида юрган гапларни айтиб бердим, — дейди Сирожиддин. — Шундан кейин кўчиб кетганлар яна қайтишади, учта қишлоқ бунёд бўлади. Райимсўфи қишлоғи ҳам кенгаяди. Одамларнинг ўзлари ҳам қудуқлар қазиб, ҳовлиларига сув чиқаришади. Мевали дарахтлар, турли экинлар экишади. Аммо чуқур ер қаъридан чиққан ўша сувдан ташиб ичишни канда қилишмайди. Ўз босими, оқими билан чиқиб ётган иссиқ оби ҳаёт саломатликларини тиклашга ёрдам бераётганини ҳам сезишади.

Шу тарзда йиллар ўтаверади...

ФИДОКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК

"Умид билан суқилган таёқ – бир кун берар мева-ю япроқ" деган ҳикматли гапни ҳамиша такрорлаб юраман. Бу дашт қишлоқларидан нафақат моҳир чўпон, ҳосилот, ғаллакор, балки яхши ўқитувчи, муҳандис, қурувчи, шифокорлар ҳам етишиб чиқади. Шулардан бири – Элмурод Элмирзаев. У тиббиёт илмгоҳида ўқиб, даволовчи шифокор бўлди. Ва Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Қашқадарё филиалига ишга келди. Билими, ташкилотчилиги туфайли бўлим бошлиғи бўлиб, шу ишда 45 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда.

У ўзи туғилиб ўсган Райимсўфи қишлоғига тез-тез келар, улкан дашт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Аммо дилидаги ниятларини ҳеч кимга айтолмасди. Қишлоқлари яқинидан қайнаб чиқаётган сувнинг қандай аломатлари борлигини аниқлаш фикри унга сира тинчлик бермасди. Бу эса ўша даврда осон эмасди.

Ишлар қандай бошланганлигини ўзим ўйлаб-чамалаб кўраман. Сиҳатгоҳ биноларини қуршаб олган мевали ва манзарали дарахтлар танаси, шохларига қараб ёшини аниқлашга уринаман. Дарҳақиқат, танаси йўғонлашиб бораётган, қишин-ёзин яшнаб турадиган арча дарахтлари 10-15 йилдан кўпроқ вақтни кўрган. Уларнинг соясига ўриндиқлар қўйилган. Кейин айтишларича, 7 минг тупдан ошиқ мевали ва манзарали дарахтларни кўкартиришибди. Мен фараз қиламан, улкан дашт узра парвоз қилган учар техникалардан қаралса, кичик ўрмон мавж уриб ётгани кўзга аниқ ташланади. Ушбу кенгликларда бу сингари мавж уриб турган дарахтлар йўқ. Уларга қараб,

донишмандларнинг: "Дарахт мўл жойда одамлар узоқ умр кечиради", деган гапларини эслайсиз. Бу мўъжаз ўрмончани барпо этиш Эшмурод Элмирзаевнинг орзуси сари биринчи қадами бўлади.

— Ҳамма гап сувда эди, — дея қилинган ишларни эслайди тажрибали шифокор ва тадбиркор Эшмурод ака, ҳозир у киши икки кам етмиш ёшда. — Одамлар шу сувдан ичиб, наф кўрганларини айтишарди. Ўзим ҳам кўп бора тотиб кўриб, бу сув Яратганнинг иноятидир, деб ўйлардим.

— Сизнинг гапларингиз, атоқли давлат арбоби Нуриддин Муҳиддиновнинг "Кремлда ўтган кунларим" эсдалик асарини ёдга солади. — У киши Иккинчи жаҳон урушидан оғир яраланиб қайтгач, ҳукумат ишларида меҳнат қилади. Ниҳоятда катта ташкилотчилик, одамлар қалбига йўл топа билиш қобилияти билан, жуда ёш бўлса-да, Наманган вилоятига раҳбарлик қилади. Кейин бош вазир, республиканинг биринчи раҳбари бўлади. У кишининг раҳбарлигида қурилган бино, корхона, йўллар ҳақида ўқиб, ҳайратга тушганман. Хуллас, Нуриддин Муҳиддинов Наманган вилоятида ишлаб юрган кезларида Чортоқда шифобахш маъданли сув борлигини эшитиб, бориб кўради. Агар шифо маскани қурилса, қанча беморлар соғайиб кетишини ўйлайди. Замон қаттол ва оғир эди. Эллигинчи йилларнинг бошида Москванинг рухсати билан Чортоқда санаторий қурилади, шўро давлати бюджетидан катта маблағ ажратилади. Ўша китобда марказдан соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа вазирликлар вакиллари Наманганга келишгани, мутахассислар сув шифобахш эканлиги, кимёвий таркиби ҳақида хулоса беришади. Мана, мингдан зиёд бемор даволаниш имкониятига эга "Чортоқ" сиҳатгоҳи ҳамон одамлар хизматида. Яқинда Бўрон Шоназаров деган ҳамқишлоғимиз бориб даволаниб келди. "Шароити зўр", дейди. Сизларнинг шифо масканларингиз вақти келиб, янада обод бўлади...

— Айтганингиз келсин, — дейди Эшмурод ака комил ишонч билан. — Хўп, демак, сувнинг хусусиятларини аниқлаш керак эди. Бунинг учун неча бор Тошкентга, мутахассисларга мурожаат қилганимизни ўзим биламан...

Қадимдан одамлар сувнинг хусусиятларини ўрганиб келишган. Машҳур ҳаким Абу Али ибн Сино ҳазратлари "Тиб қонунлари" асарида сувнинг таркибига жуда катта эътибор берган экан. Масалан, икки хил сувга докани ботириб, кейин қуритилгач, уларни дори ўлчагич тарозиларда тортиб кўрарканлар. Қайси дока енгил бўлса, ўша сув яхши ҳисобланаркан. Дока оғир бўлган сувдаги зарарли моддаларни ҳам билганлар. Ҳатто китобларида юнон табиби Филагрийнинг: "Касал сувдан қўрққанида, мен унга сирт-лон терисидан қилинган идишда сув берган эдим, у ичди", деган фикрини ҳам келтирган экан. Бунинг ҳаммаси тиббиёт мураккаб фан, сув эса тенгсиз тириклик неъмати эканлигига бир ишорадир.

Замонавий тиббиёт, геология ва гидрогеология фанлари йиллар давомида тараққий этиб келди. Ер қаъридан чиқаётган шифобахш сувлардан фойдаланиш мақсадида кўплаб санаторийлар бунёд этилди. Тўқсонинчи йилларнинг охири эди чоғи, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва жигаримда озроқ ўзгариш сезгач, Тошкентдаги Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш илмгоҳида даволандим.

Журналист ҳеч жойда тинч юролмайди, сиҳатгоҳ директори, академик Карим Юлдашевга мурожаат қилиб, шифохона билан яқиндан танишишга рухсат олдим. Ўзим қизиқиб юрган сувлар таркибини аниқлаш бўлими мутахассислари билан суҳбатлашдим. Шунда менга геология-минерология фанлари номзоди Комил ака сувларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳатто, таркибида минерал тузлар кўп бўлган сувлар баъзан даво ўрнига беморга зарар етказиши ҳақида гапириб берганди. Шунда мен Сурхондарёдаги машҳур "Омонхона" сувининг таркиби билан Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан чиқаётган "Чиллабулоқ" сувининг хусусиятлари бир-бирига яқинлиги ҳақида эшитгандим. Англагандимки, сувнинг қандай хусусиятга эга эканлигини аниқлаш, даволаш ишларига тавсия қилишнинг ўзи жуда кўп изланишлар, ўрганишларни талаб қиларкан.

Хуллас, қўлимда Эшмурод ака берган расмий ҳужжат. Уни 1993 йилнинг 11 сентябрида институт директори академик Карим Юлдашев имзолаган. Унда Турон даштларидан қайнаб чиқаётган сувнинг таркибида, қандай моддалар, минерал тузлар борлиги айтилиб, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфаги, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб ва юрак-қон томир, ошқозон ости бези, тери касалликларини, шунингдек, эркак ва аёллардаги жинсий хасталикларни даволашда ванна қабул қилиш, ичиш, ичакларни ва ошқозонни ювиш тавсия қилинганди.

Тўқсон учинчи йилда мамлакатимиздаги етакчи тиббиёт илмий-тадқиқот илмгоҳининг хулосаси бўлса-да, шифо масканини қуриш осон бўлмаган. Қаршиликлар бўлган, бунинг устига қурилиш катта маблағ талаб қилар эди. Бу масалаларни ечиш осон кечмаган, албатта.

Хуллас, Эшмурод ака бутун қобилияти, истеъдодини ишга солади. Ёнига фарзандлари киради. Бундан ташқари, ҳимматли, яхши кишилар ҳам хайрли иш учун кўмагини аяшмайди. Жами 10 километрга яқин жойга асфальт ётқизилиб, йўл қурилади. Яна 8 километр масофага электр симлари тортиб келинади. Натижада 50 ўринли ётоқхона, ошхона, даволаш хоналари бўлган сиҳатгоҳ қад кўтаради. Эшмурод ака кеча-кундуз, ишидан айрилмаган ҳолда қурилишлар бошида туради. Ниҳоят, 2016 йилда янги шифо масканига асос солинади.

2017 йилнинг 1 апрелида мамлакатимиз Президентининг "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинади. Бу ҳужжат орқали тиббиёт соҳасида улкан ўзгаришларга кенг йўл очиб берилади. Натижада "Нуробод" хусусий корхонасига қарашли (бу корхона Эшмурод аканинг ўғли Арслонга тегишли) "Турон маъданли суви" санаторий-профилакторийси фаолиятини бошлайди.

— Мени бу анча ўсиб қолган дарахтларни синдирмай-кесмай, зарур бинолларни қурганингиз ҳам ҳайратга солади, — дейман унга. — Қаранг, дарахтларнинг шохлари шунчалик ўсганки, қўёш қиздирган кезларда ерга тангадек офтоб тушмайди. Даволанувчилар дарахтлар соясидаги ўриндиқларда ором олиб, дашт ҳавосидан мириқиб нафас олишади. Мен яна бир нарсани – бу ерларнинг ҳавоси кислородга роса тўйинганини, ҳар нафас олганда, одамнинг руҳи кўтарилишини ҳис қилдим. Даволанишга борганларнинг айтишича, машҳур Кисловодск санаторийсининг ҳавоси ҳам шундай экан. Дарвоқе, ҳаводаги кислород миқдорини ўрганиш фанда жадаллашиб кетган ҳозир.

— Рост, мен ҳам буни бу ерга келган кишилардан кўп бора эшитганман, — дейди Эшмурод ака жилмайиб. — Энди дарахтларни синдирмай иморатлар қуришга келсак, менинг "инжиқлигим" сабаб. Қурувчиларга "Бирорта дарахтни синдирмайсизлар", деб шарт қўйгандим. Барака топгурлар жуда эҳтиёт бўлиб ишлашди. Улардан жуда миннатдорман. Ҳали кўп дарахтлар экамиз, бошқа ишларимиз, режаларимиз ҳам кўп... Сиз эса бемалол сиҳатгоҳимиз билан танишинг...

ТАНИШУВ

Ҳар жойнинг эгаси бор, деганларидек, иш бошқарувчи Беҳруз Тошпўлатовнинг зиммасига бу ерга келувчиларни жойлаштириш ва бошқа юмушлар юклатилган экан. Сиҳатгоҳнинг хоналари икки, уч кишилик. Барча хоналарда телевизор ва бошқа қулайликлар бор. Кенг фойедаги диван ва ўриндиқларда даволанувчилар оҳиста суҳбатлашиб, катта экранли телевизорни томоша қилишаяпти. Аквариумдаги митти балиқчалар эътиборимни тортди.

— Мана, ванна, барча даволаш усулларимиз билан танишинг, — дейди **даволовчи шифокор Ҳазратқул Мавқаев.** — Ҳар бир беморга ташхисига қараб, даво усуллари тайинланган. Ҳамширалар уқаловчилар, электр ускуналарини ишлатувчилар ўз ишларини масъулият билан бажаришади.

Беморларнинг ҳар бири умид билан, танасини ўртаган хасталикдан шифо топиш учун келган. Уларнинг орасида юртимиз ва ҳатто хориждаги санаторийларда даволанганлар ҳам бўларкан. Шунинг учун мен даволанувчиларнинг ўзларидан эшитиш, уларга шифобахш сув қандай таъсир қилаётгани, шифокорлар хизмати ҳақидаги фикрларни билишга қизиқдим. Ўз танасидаги ўзгариш ва оғриқни ҳеч ким бемор каби ҳис қила олмайди, ахир.

Баҳодир Умиров: — Чироқчи туманининг Равот қишлоғиданман. Ёшим эллик олтида, ҳайдовчиман, одамларга таксичилик хизматини кўрсатаман. Оёғим анчадан буён оғрийди. Эшитиб келдим, очиғи, суви ёқди, оғриқлар анча камайди.

Норберди Элмирзаев: — Касби туманиданман, 70 ёшли отам билан келганман. У кишининг ҳам оёқ-бели оғрийди. Мен ўзим ҳайдовчиман, машинамиз бор. Оёғимни шамоллатиб, анча йилдан буён азоб чекаман. Бир ҳафта бўлди келганимизга, анча ўзгариш бор. Сувидан ичаяпмиз, ошқозонимиз ортиқ безовта қилмаяпти. Шундай жойни яратган Аллоҳга шукур.

Бахтиёр Маманазаров: — Тошкент вилоятининг Зангиота туманида яшайман. Ёшим эллик учда. Ота-бобом уста ўтган. Мен ҳам шу касб орқасидан рўзғор тебратиб келаяпман. Белимни шамоллатганман, оёғим оғрийди. Назарбекдаги, Чортоқдаги ва бошқа ўнлаб санаторийларда даволанганман. Сал яхши бўламиз, кейин яна оғрийди. Бу жойнинг таърифини эшитиб келдим. Ростини айтайми? Анча кичик экан, ҳали бошқа санаторийлардай ривожланмаган. Аммо шифобахш суви касалимга кор қилди, аҳволим кундан-кун яхшиланаётганини сезаяпман. Сувни ичганда ҳам шу ҳис вужудимни қамраб олади. Шифокорлари меҳрибон, таомлари яхши. Қайтсам, дўст-биродарларимга ҳам тавсия қиламан.

Мурод Қодиров: — Бухороликман узоқ йиллар машина ҳайдадим, уч ўғил, уч қизни улғайтирдим, ҳозир ёшим 66 да. Энди, укам, бизнинг касбда саломатликни сақлаб қолиш қийин. Чунки техника, ўзингни аямай ишлайсан. Баъзан бузилиб, совуқ тунларда узоқ манзилларда қолиб кетганмиз. Ҳа, юк машинаси ҳайдаганман. Оёғимни қимирлатсам, оғриқ бутун танамга ёйилади. Шифокорлар нерв толалари шамоллаган, бобо, яхшилаб даволанинг, дейишади. Даволанишга ҳам пул керак, дори-дармон қиммат. Гап бунда ҳам эмас, қаерда шифо топишни баъзан ўзинг ҳам билмай қоларкансан. Эшитдим, келдим. Худога шукур, оғриқларим камайди. Сув иссиқ, ҳарорати 45-48 даражадан ортиқ, дейишди. Шифо топишимга ишонаман.

Ҳидой Ҳамроев: — Мен Бухороданман, тракторчи эдим, ёшим эллик саккизда. Оёқ-қўлимнинг оғриқлари камайди, овқат ҳазм қилишим яхшиланди. Қаранг, бир даштда парвардигор шундай шифобахш сувни чиқариб қўйибди.

Одамлар, беморлар, шифо истовчилар... Мамлакатимизнинг турли манзилларидан умид билан келишган. Ҳар куни тўланадиган юз минг сўмларига рози бўлиб кетишаяпти. Чўл ҳавоси, маъданли шифобахш сув, шифокорларнинг яхши муомаласи, дўст-таниш орттиришлар — барчаси руҳни кўтариш, хасталикни енгиллатиш ёки бутунлай аритишга хизмат қилмоқда. Яна кўп яхши, илиқ, юракдан айтилган гапларни эшитдим...

ЯХШИ ТАОМ ВА ЯХШИ ОРЗУЛАР

Бўш қоп тик турмайди, деган нақл қадимдан қолган. "Еган ярайди", деган мақолни ҳам кўп киши айтиб юради. Тиббиёт донишманди Абу Али ибн Сино бобомиз минг йиллар бурун тўғри овқатланиш, таомларнинг фойда ва зарарлари ҳақида ёзиб қолдирганлар. Ҳозирги замон тиббиётида ҳам овқатланиш маданиятига катта эътибор берилади. Дунёга тождор вирус тарқалиб, қанчадан-қанча кишиларнинг ёстиғини қуритганда, "Аргументы и факты" газетасида рус тиббий олим ва мутахассислари таркибида цинк — рух моддаси бор гўшт, жигар, денгиз маҳсулотлари, балиқ, ловия, нўхат, гречиха, сўли, сут-қатиқ сингари неъматлардан баҳраманд бўлиб туришнинг фойдаси ҳақида ёзишганди. Ҳақиқатан ҳам, кузатишлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, танҳимояси – иммунитети кучли беморлар бу оғир касалликни енгил ўтказиб, тез орада ундан фориғ бўлишаяпти.

Менга "COVID-19" вирусига чалинган, тузалгач, санаторийга келиб, соғликларини мустаҳкамлаб кетган айрим беморлар ҳақида ҳам гапириб беришди. Ҳақиқатда бу маъданли сув вирус зарар етказган ички аъзоларга наф қилиши турган гап. Мен яна даволанишда қўл келаётган, беморларга яхши кайфият бағишлаётган таомлар билан қизиқдим.

— Э, келинг меҳмон, — дейди бош ошпаз Ҳамза Хонимов. — Ёшим ўттиз иккида, катта ошпазлардан иш ўрганганман. Тўйларда ҳам ош пишириб кетавераман. Энди, ака, бу шифохонада махсус овқатлар тайёрланади. Мастава, шўрва, ҳафтада уч марта ош пишириб берамиз. Сариёғ, салат, мевалар ҳар куни берилади. Шифокорлар буюрганига қараб парҳез таомлар тайёрлаймиз. Ишқилиб, шифо бўлсин, деймиз-да. Ҳа, эрталаб бир стакандан туя сути ҳам берамиз. Жуда фойдали-да, ичиб юринг, ака...

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам "сут ичинг", деб буюрмишлар. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино ҳазратлари: "Сут уч моддадан ташкил топган: сувлилик, оғиз ва ёғ моддасидан. Сигир сутида ёғ моддаси кўп бўлади. Туя сутида эса ёғ ва оғиз моддаси оз ва ўзи анча суюқ бўлади", деб ёзиб қолдирган эканлар. Аммо ҳар хил ўтлар билан озиқланган сигир сути семириш, ҳатто, айрим касалликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун энг тоза ва шифобахш ўтлардан еган туяларнинг сути саломатлик учун кони фойда.

Бу борада жаҳон тиббиётидаги тавсиялар қандай? Туя сути сўнгги йилларда Европада оммалашиб кетди. Швейцарияда ундан шоколад тайёрлашда фойдаланишади. Шарқда туя сутидан "шубат" номли миллий таом тайёрлашади. Кўчманчи қозоқлар туя сутидан қимиз тайёрлаб келишган. Арабистонда ундан какао, Ҳиндистонда музқаймоқ тайёрлашади. Туя сутида B1, B2 дармондорилари, темир, фосфор, кальций моддалари мўл. Айниқса, С ва Д дармондорилари сигир сутига нисбатан уч баравар кўп. Энг муҳими, сут шакари — казеин ва лактоза моддалари, аксинча, туя сутида жуда кам миқдорда бўлади. Ошқозон ости бези ишлаб чиқарадиган инсулинга ўхшаш модда борлиги туя сутининг аҳамиятини янада оширади. Чунки дунёда қандли диабет билан оғриганлар кўпайиб, турли мамлакатларда шакарни кам истеъмол қилишга даъват этишмоқда.

Арабистоннинг Қирол Абдулазиз университетида туя сутининг хусусиятлари юзасидан узоқ йиллардан буён тадқиқотлар олиб борилиб, яхши муваффақиятларга эришилмоқда. Масалан, доктор Муҳаммадани Аҳмад Абдулла жигарини ёғ босган ва циррозга яқинлашган беморларга туя сути ва пешобини аралаштириб ичириб даволади. Хуллас, туя сути тиббиётда бугун тенги йўқ шифобахш неъмат сифатида кириб келди.

— Мен ҳокимликда қизиққанимда, Косон туманида 500 дан ошиқ туя парвариш қилинаётгани, айрим кишилар шароит яратиб, туя сутини истаб келувчиларни сийлаши ҳақида гапириб беришганди, — дейман санаторий директори Эшмурод ака Элмирзаевга. — Сизларда ҳам табиий яйловлар анча экан, туяларни кўпайтириш, туя сутини қанча миқдорда ва қандай касалларга ичиришни назорат қилиш керакмикан... Менимча, шароитни янада яхшилаш лозим. Келувчилар кўп, жой 50 ўринга мўлжалланган, талаб эса ўсиб бораяпти, ахир, қарийб икки минг метрдан қайнаб чиқаётган бундай шифобахш сув ҳамма ерда ҳам топилавермайди.

— Фикрингизга тўлиқ қўшиламан, — дейди Эшмурод ака кексаларга хос вазминлик билан. — Ҳув, ана кўраяпсизми, тўрт қаватли янги бино келаси йили ишга тушади. Янги тиббий ускуналар сотиб оламиз. Бунинг учун кредит ташвишини қилаяпмиз. Туяларни кўпайтириш ва бошқа таклифларингиз ҳам ўринли. Чунки замон ўзгараяпти. Бугун Қашқадарёда тиббиётни ривожлантириш борасида алоҳида дастур амалга оширилмоқда. Насиб этса, шифо масканимиз кўпларга хизмат қилаверади...

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Реклама ўрнида.

ҚУТЛОВЛАР

«URGANCHTRANSGAZ»
унитар корхонаси жамоаси
юртдошларимизни
Янги — 2021 йил билан табриклайди!
Барчангизга соғлик-саломатлик, мамлакатимиз
тараққиёти йўлидаги фидокорона
меҳнатингизда зафарлар тилайди.
Янги йил ҳар бир оилага тинчлик,
фаровонлик, омад ва бахт олиб келсин!
"URGANCHTRANSGAZ" U.K

Хоразм вилояти
«YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI
INJINIRING KOMPANIYASI» жамоаси:
— Халқимизни Янги йил байрами билан табриклайди.
2021 йил мамлакатимиз учун қувончли
ютуқлар, оламшумул воқеаларга бой бўлсин,
Янги йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат,
хонадонларингизга қут-барака тилаймиз.
Байраминги муборак бўлсин, азиз юртдошлар!
URGENCH INTERNATIONAL AIRPORT

РЕКЛАМА ВА ҚУТЛОВЛАР

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ЕММММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, ҳамкасбларни Яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади! Янги йил оилангизга хотиржамлик, дастурхонингизга файзу барака келтирсин. Барча эзгу мақсадларингиз амалга ошиб, юртимизни тинчлик, аҳиллик ва иноқлик асло тарк этмасин.

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилиш лозимлигини эслатади.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug`bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1251. 1692 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:35
Topshirilgan vaqti — 22:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: **Toshtemir XUDOYQULOV**
Sahifalovchi-dasturchi: **Bekzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6